БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-йил чиқиши

№ 116 (1636)

12 июнь Якшанба 1960 йил

Баҳоси 20 тийин.

СИЁСИЙ АГИТАЦИЯ ЖОНЛИ БЎЛСИН!

СССР Олий Совети бешинчи сессиясининг тарихий қарорлари, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сессияда қилган доклади ва якунловчи сўзидан илҳомланган совет кишилари коммунистик қурилишнинг барча участкаларида зўр жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётирлар. Чунки, бу ҳужжатларда улуғ совет халқининг фаровон ҳаёти, келажаги, тинчликка бўлган буюк интилишлари ўз ифодасини топгандир.

Областимиз меҳнаткашлари ҳам бутун совет халқи билан биргаликда сессиянинг олижаноб тадбирларини якдиллик билан маъқулладилар. Завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, олий ўқув юртларида ва маданий муассасаларда бўлиб ўтаётган кўп минг кишилик митинг ва йиғилишларда, газета ва журналларда босилаётган мақолаларда меҳнаткаш халқ давлатимиз олий органининг қисқартирилган иш кунига ўтиш, солиқларни бекор қилиш, совет сўмининг қадр-қимматини яна ҳам ошириш ҳақидаги доно тадбирларини партиямизнинг халқ фаровонлигини янада ошириш тўғрисида қилаётган отаеларча ғамхўрлигининг янги ифодаси деб баҳоладилар.

Ҳозирги кунларда бутун мамлакатимиз ажойиб кунларни бошидан кечирмоқда. Қаҳрамон халқимиз партия ва ҳукуматимизнинг меҳнаткашлар ҳақидаги буюк ғамхўрлигига жавобан фидокорона меҳнат қилиб, етти йилликнинг иккинчи йилида мислсиз ажойиб ютуқларни қўлга киритаётирлар. Коммунизм қурувчиларнинг ижодий меҳнати булоқдек қайнамоқда. Саноат корхоналари ва қурилишларда коммунистик меҳнат бригадаларидан—цех ва корхоналарига ўтиш ҳаракати авж олмоқда. Халқ ўз бахтини ўзи яратмоқда. Совет халқининг тинчликка, коммунизм қуришга бўлган буюк интилишини тўхтата оладиган куч дунёда йўқ!

Фақат ақлдан озган, асаби бўш, ўз сўзига жавоб бера олмайдиган Гертер, Никсон сингари урушқоқларгина буни тушуна олмайди. Оқни қора дейишга ўрганиб қолган империалист корчалонлар «совуқ уруш» даҳшатларини яна авж олдиришга уриниб, юксак доирадаги кенгаш олдидан Совет Иттифоқининг давлат чегараларини агрессорларча бузиб, оқибат натижада кенгаш ишини барбод қилдилар. Бунинг учун бутун жавобгарлик АҚШ реакцион доиралари зиммасига тушади!

Совет кишилари АКШ империализмининг бузғинчилик кирдикорларини кескин қораламоқдалар ва лаънатламоқдалар. Совет Иттифоқининг ёпасига ва батамом қуролсизланиш ҳақидаги янги таклифи уруш оловини ёқувчиларга берилган яна бир қақшатғич зарба бўлди.

Тошкент область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми уруш оловини ёқувчи АҚШ реакционерларини якдиллик билан қоралади, СССР Олий Советининг тарихий қарорларини бир оғиздан маъқуллади. Пленум, сессия материалларини кенг пропаганда қилиш, уни амалга ошириш учун кураш — партия ташкилотларининг муҳим вазифаси эканлигини аҳолида таъкидлади.

Ҳозирги кунда партия ташкилотлари олдида турган энг муҳим вазифа — омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни ҳар тарафлама авж олдириб юборишдан, сиёсий агитациянинг барча воситаларидан моҳирлик билан фойдаланиб, сессия қабул қилган муҳим ҳужжатларни, Н. С. Хрушчевнинг сессиядаги доклади ва якунловчи сўзини кенг оммага тушунтириб беришдан иборат. Бу соҳада Юқори Чирчиқ район партия комитетининг олиб бораётган ишлари мақтовга сазаворидир. Райком томонидан танланган жуда кўп агитаторлар сессия материаллари юзасидан тушунтириш олиб бораётирлар. Районда ҳозирнинг ўзидаёқ 200 дан ортиқ лекция ва доклад ўтказилди. Сессия материаллари сиёсий мактаб ва тўгаракларда ҳартарафлама пухта ўрганилди. Шунингдек Тошкент, Олмалиқ, Янгиер шаҳар партия комитетларининг бу соҳада олиб бораётган ишлари ҳам ибратлидир.

Сессия материалларини кенг пропаганда қилиш ишига турли касб эгаларини — саноат ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларини, молия органларининг ходимларини, олимлар, ўқитувчилар, партия, совет, касаба союз ходимларини кенг жалб этмоқ керак. Бунинг учун лекция ва суҳбатлар, савол-жавоб кечалари, мутахассислар билан учрашувлар ташкил этмоқ мақсадга мувофиқдир. Пропаганда ишида матбуот, радио, телевиденеидан кенг фойдаланмоқ даркор.

Сессия материалларини пропаганда қилиш — жонли ва ҳаётий ишдир. Чунки, сессия томонидан қабул қилинган ҳужжатлар совет кишиларининг ҳаётий эҳтиёжларини ўзида акс эттиради. Бу қарорлар турмушда амалга ошмоқда. Кўпчилик корхоналар ҳозирнинг ўзидаёқ 7—6 соатлик қисқартирилган иш кунига ўта бошладилар. Областимизда 40 та йирик саноат корхонаси қисқартирилган иш кунига ўтди. Аҳолидан олинадиган солиқларни бекор қилиш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилаётир.

Пропагандист ва агитаторлар лекция, суҳбат, савол-жавоб кечалари ўтказган вақтда солиқларни бекор қилиш, қисқартирилган иш кунига ўтиш меҳнат аҳлига қандай катта имкониятлар беришини конкрет фактлар асосида кўрсатиб бериши лозим. Сессия материалларини тушунтириш ишини корхоналарни қисқартирилган иш кунига ўтказишга тайёрлик кўриш ва иш ҳақи тўлашни тартибга келтириш соҳасида олиб борилаётган ташкилий ишлар билан бирга боғлаб олиб бориш керак.

Капиталистик мамлакатларда аҳолидан олинадиган солиқлар тобора ортиб бормоқда. Ишсизлар сони борган сари кўпаймоқда. Ҳарбий харажатларнинг кўпайиши, зўр бериб қуроллариш меҳнаткаш халқнинг тинчасини қуритмоқда. Капиталистик тузум шароитида иш кунини қисқартириш, солиқларни бекор қилиш ҳақида гап бўлиши мумкинми, ахир! Ўз манфаатини ҳамма нарсадан юқори қўювчи, фойда кетидан чопувчи қайси капитал эгаси ўз корхонаси ишчиларига ана шундай имкониятлар яратиб берсин!

Фақат инсон ўз тақдирининг хўжайини бўлган, моддий бойликларнинг чинакам эгаси бўлган социалистик тузум шароитидагина халқ бахт-саодати йўлида инсониятнинг эзгу орзуларини рўёбга чиқариш мумкин. Агитатор ва пропагандистлар ана шу ҳақиқатни меҳнаткашлар онгига етказиши, реал фактлар асосида тушунтириб бериши керак.

Сиёсий агитациянинг, пропаганда ишимизнинг бутун мазмуни коммунизм қурилиши улуғвор вазифоларига бўйсундирилсин, кенг меҳнаткашлар оммасини КПСС XXI съезди қарорларини, етти йиллик план топшириқларини бажаришга сафарбар этилсин!

Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси коллективи ҳар йили меҳнаткашлар эҳтиёжлари учун юзларча минг жуфт турли хил бежирим, нафис пойафзал етказиб бермоқда. Етти йилликда меҳнатсевар коллектив зиммасига янада улуғвор ва масъулиятли вазифалар юклатилади. Буни яхши тушунган юзлаб ишчилар етти йиллик топшириқларини 5 — 6 йил ичида адо этиш ҳақида мажбуриятлар олиб ишлашмоқда. 4-цех ишчиси Музаффар Турдиев ҳам ана шундай пешқадам кишиларнинг бири ҳисобланади. Ўз ишини пухта эгаллаган бу донгдор пойафзалчи ҳар сменада нормадаги 280—300 ўринга 550 — 600 жуфт оёқ кийимини қўлдан чиқармоқда. Пешқадам пойафзалчи шу кунларда 1961 йил ҳисобига маҳсулот бераётир.
Суратда: Музаффар Турдиев.
М. Нуриддинов фотоси.

ТОШКЕНТ — ИВАНОВО

Қуёшли Ўзбекистон меҳнаткашлари учун

КИНЕШМА. Тошкент ва Иваново иқтисодий-маъмурий районлари Халқ хўжалик кенгашлари меҳнаткашларининг мусобақаси тобора авж олмоқда. У улуғ рус халқи билан ўзбек меҳнаткашлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамламоқда, шунингдек етти йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажаришга ёрдам бермоқда.

Иваново областидаги Кинешемский районида жойлашган «Кинешемский» совхози 3-бўлимининг ишчилари ажойиб ватанпарварлик ташаббуси билан чиқдилар.

Учта катта майдонга картошка экилган. Тупроғи яхши ишлангани, керагича ўғитланганлиги учун бўлса керак ўсимлик барқ уриб турибди. Майдон бўйлаб кетган эгатларнинг кети кўринмайди.

Бу участканинг диққатни ўзига тортадиган томони шундаки, унинг кўринарли жойига иккита тахта ўрнатилган. Уларнинг бирига йирик ҳарфлар билан «16 гектар майдондаги картошка ўзбекистонлик дўстларимиз учун ўстирилмоқда. Ҳар гектар ердан 150 центнердан ҳосил йиғиб олинади» деган сўзлар ёзилган. Иккинчисида эса «Картошкага бўлимнинг энг яхши механизатори Владимир Добров ишлов беради», деган жумлани ўқийсиз.

«Кинешемский» совхозининг донгдор механизаторлари Владимир Съемов, Борис Першанин, Владимир Добров ва Виталий Бобилевлар пландан ташқари картошка экиб, қўшимча ҳосилни Тошкент меҳнаткашларига юборишга аҳд қилдилар. Ҳозир областдаги жуда кўп совхоз ва колхозларнинг коллективлари ҳам бу ташаббусни қизғин қўллаб-қувватлаётирлар. Кинешемский районидаги «Решемский» совхози ишчилари, «Красноволжец», Калинин номли қишлоқ хўжалик артелларининг аъзолари ва бошқа хўжалик коллективлари ҳам Ўзбекистон меҳнаткашларига картошка етказиб бериш ҳақидаги бу ҳаракатга қўшилдилар.

Н. С. Хрушчев С. Венизелосни қабул қилди

ГАГРА, 10 июнь. (ТАСС). Кавказнинг Қора денгиз соҳилларига қисқа муддатга дам олиш учун келган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун Грециянинг атоқли сиёсий арбоби, собиқ бош министри, либераллар партиясининг раҳбари С. Венизелосни қабул қилди.

Н. С. Хрушчев билан С. Венизелос ўртасида самимий, дўстона суҳбат бўлди. Бу суҳбатда Венизелоснинг энг яқин ходимлари — Греция парламентининг депутатлари Г. Бакацелос ва К. Марис, шунингдек «Македония» газетасининг бош редактори О. Иоанидис қатнашдилар.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВнинг О. Пауэрсга жавоби

Совет Иттифоқи чегарасига бостириб кирган ва маълумки, 1 майда Свердловск шаҳри районида совет ракета қисмлари томонидан уриб туширилган «Локхид У-2» америка самолёти учувчисининг отаси О. Пауэрс яқинда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевга мактуб билан мурожаат қилди.

Қуйида мазкур мактубга Н. С. Хрушчевнинг жавоби эълон қилинади.

Оливер Пауэрсга
Паунд шаҳри, Виргиния штати

Ўғлингизга онаси юборган хатни топширишни илтимос қилиб ёзган мактубингизни олдим. Сиз хат қўшиб юборилди, деб ёзгансиз, лекин нима учундир, конвертда хат йўқ экан.

Шуни айтишим керакки, сизнинг ўғлингиз Совет Иттифоқи қонунларига асосан суд қилинади. Қонун-қонундир, бинобарин, мен фақат суд органлари компетенциясига оид ишга аралашолмайман.

Агар сиз ўғлингиз билан кўришиш учун Совет Иттифоқига келишни истасангиз, мен бу ишда сизга ёрдам беришга тайёрман.

Н. ХРУШЧЕВ.
1960 йил 31 май.

Ҳурмат тахтаси

Давлатга пилла сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари учун қуйидаги районлар область **Ҳурмат тахтасига** ёзилади.

Калинин райони (район партия комитетининг секретари **Ғ. Мажидов**, район ижроия комитетининг раиси **Х. Носиров**, район комсомол комитетининг секретари **Ф. Абдуллаев**, район ипакчилик бўлимининг мудири **В. Комилов**, пахта заводининг директори **Л. Дериглазов** ўртоқлар). Бу район давлатга 118,4 тонна пилла сотиб, олган мажбуриятини 108,0 процент бажарди.

Чиноз райони (район партия комитетининг секретари **Н. Қиргизбоев**, район ижроия комитетининг раиси **М. Муззафаров**, район комсомол комитетининг секретари **М. Қосимова**, район ипакчилик бўлимининг мудири **С. Исроилов**, пахта заводининг директори **А. Эргашев** ўртоқлар). Бу район давлатга 50,1 тонна пилла сотиб, социалистик мажбуриятини 101,5 процент бажарди.

Янгийўл райони (район партия комитетининг секретари **Г. Умаров**, район ижроия комитетининг раиси **М. Тожиев**, район комсомол комитетининг секретари **Б. Холмирзаев**, район ипакчилик бўлимининг мудири **Х. Мамажонов**, пахта заводининг директори **С. Содиқов** ўртоқлар). Бу район давлатга 94,7 тонна пилла сотиб, социалистик мажбуриятини 101 процент бажарди.

Шаҳар қурилиши бўйича Бутуниттифоқ кенгаши

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети чақирган шаҳар қурилиши бўйича Бутуниттифоқ кенгаши 10 июнда Москва Катта Кремль саройида ўз ишини тамомлади.

Кенгаш қатнашчилари тўрт кун мобайнида шаҳар қурилишини энг муҳим масалаларини, халқ учун қулай, сифатли уйларни, маданий-маиший бинолар ва иншоотларни қандай қилиб яхшироқ ва тезроқ қуриш, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қўйган жуда муҳим вазифани — яқин 10-12 йил ичида мамлакатда уй-жой етишмовчилигини тугатиш вазифасини қандай қилиб яхшироқ бажариш масаласини муҳокама қилдилар.

Сўзга чиққан кишилар — қурувчилар, архитекторлар, партия ва хўжалик ходимлари, министрликлар ва бошқармаларнинг вакиллари қурилишларни муддатидан илгари тугаллаш, ишлар қимматини камайтириш, маблағлардан энг самарали фойдаланиш, техникани кўпроқ қўлланиш ва қурилиш сифатини ошириш юзасидан бир қанча мулоҳазаларни айтмоқдалар, қимматли таклифлар киритмоқдалар.

Эрталабки мажлисдаги музокараларда Главленинградстрой «Строймеханизация — 2» трестининг донгдор экскаваторчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **В. И. Кукин** биринчи бўлиб сўзга чиқди.

Ўртоқ Кукин бинокорлик механизмлари ишлаб чиқараётган машинасозлик заводлари олдига бир қанча талаблар қўйди. Биз, — деди у, — чўмичнинг ҳажми 0,15 дан 0,75 кубометргача бўлган экскаваторларга айниқса муҳтожмиз, лекин бундай экскаваторлар етарли миқдорда тайёрланмаётир. Бундан ташқари, чўмичнинг ҳажми 0,15—0,25 кубометрлик ва автомобиль билан юрадиган экскаваторлар талаб қилинади, бундай экскаваторларни эса саноатимиз мутлақо ишлаб чиқармаётир.

СССР Қурилиш ва архитектура академиясининг ҳақиқий аъзоси **И. С. Николаев** ўз нутқини шаҳарларда янги саноат корхоналарини жойлаштириш, завод территорияларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларига бағишлади.

Электростанциялар қурилиши министри **И. Т. Новиков** кенгаш қатнашчиларига энергетика қувватларини қандай йўл билан кўпайтириш белгиланганлигини гапириб берди. Етти йил ичида ҳар бири 2400 минг киловаттгача қувватга эга бўлган 60 дан ортиқ йирик ва жуда йирик электростанциялар қурилиши керак. Илгари йирик ГРЭС қуриладиган жой асосан мавжуд корхоналар ёки энергетикани истеъмол қиладиган марказлар томонидан белгиланган бўлса, эндиликда улар ёқилғи бор жойларда жойлаштирилмоқда. Бу эса мамлакатга катта маблағларни тежаб қолиш имкониятини беради. Янги ГРЭС ва ГЭСлардан юқори вольтли линияларнинг қурилиши кўпгина районларнинг электрлаштирилишини таъминлайди.

Главмоспромстройматериал бошлиғи **А. А. Этмекжиян** ўз нутқида Москва бинокорлик саноати корхоналарининг иши ҳақида гапириб берди. У, бинокорлик материаллари саноатининг ҳамма тармоқларини қайта ускуналаш ва комплекс ривожлантириш соҳасидаги тадбирлар ҳақида батафсил гапирди. Бу тадбирлар батамом йиғма усулда қурилишни оммавий тарзда ташкил этиш учун зарурдир. Нотиқ таъкидлаб айтдики, катта ишлар планини амалга ошириш учун асосий йўл корхоналарни, технология линияларини чекланган миқдордаги тип ва тип-ҳажмдаги деталларни ишлаб чиқариш бўйича кенг ихтисослаштиришдан иборатдир.

— Ўртоқ Хрушчев бизнинг олдимизга қисқа муддат ичида Тинч океан қирғоғида гўзал ва обод шаҳар яратиш вазифасини қўйди. Бу вазифа сўзсиз бажарилади, деди ўз нутқида Главвладивостокстрой бошлиғи **В. А. Поликанов.** — 6 йил ичида шаҳарда қуриладиган уй-жой майдони ва маданий-маиший объектлар, — деди у, — ҳозир мавжуд бўлган ҳамма биноларга тенг бўлади. Владивосток қурилиши заводда тайёрланган деталлар ва конструкциялардан индустриал усулда амалга оширилади. Бунинг учун бу ерда икки-уч йил ичида бинокорлик саноатининг 18 корхонаси қурилади. Йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш 400 минг кубометргача кўпаяди, яъни ўтган йил даражасига нисбатан деярли ўн баравар ортади.

Москва область қурилиш ва архитектура ишлари бўлимининг мудири **А. И. Кононенко**га сўз берилади. У, Москва областида ишларнинг жуда кенг тус олганлигини гапириб беради. Бу ерда Коломна, Серпухов, Орехово-Зуево, Подольск ва шу сингари шаҳарлар кад кўтарди, уларнинг қиёфаси ўзгарди.

Ўртоқ А. И. Кононенко айтдики, областда уй-жой қурилишининг ўсиши асосий коммуникациялар, асосан водопроводнинг ривожланишидан олдинда бормоқда. Маданий-маиший ва хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг қурилиш ҳажми, шунингдек уй-жой бинолари ва кварталларнинг ташқи кўриниш даражаси етарли эмас.

Сўнгра сўзга чиққан КПСС Марказий Комитети Қурилиш бўлимининг мудири **И. А. Гришманов** мазкур кенгашнинг чақирилиши партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг шаҳар қурилиши масаласига ғоят зўр эътибор бераётганликларини кўрсатишини таъкидлади. Биз, деди у, эришилган ютуқлар билан ҳақли суратда фахрлана оламиз. Дунёдаги бирон мамлакат уй-жой ва маданий-маиший бинолар қуришнинг ана шундай ғоят зўр миқёсини билмайди. Кейинги бешетти йил ичида бу ишда тубли ўзгаришлар рўй берди.

Нотиқнинг айтишича, шаҳар қурилишидаги асосий камчиликларнинг сабаби шундан иборатки, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органлари шаҳарларни қуриш тўғрисида кўпинча зарур ғамхўрлик қилмайдилар. Шаҳар қурилишининг асосий мақсадларини—бутун шаҳар аҳолиси учун энг яхши меҳнат ва турмуш шароити яратишни унутиб қўядилар. Шаҳар қурилиши масаласи кўпинча шу куннинг эҳтиёжи доирасида ҳал этилади, шаҳарларни ривожлантириш перспективалари, экономика масалалари ҳисобга олинмайди, шаҳар қурилиши интизоми бузилади. Шаҳар қурилиши масалаларини етарлик даражада билмаслик ва бу муҳим ишга эътиборсизлик билан қараётганлигига Кемерово областидаги Сталинск шаҳри, Нижни Тагил, Красноярск шаҳарлари ва бошқа бир қанча саноат марказлари қуришдаги катта камчиликлар мисол бўла олади.

Ўртоқ Гришманов бутун шаҳар қурилишимизда сифат даражасини оширишда кадрлар ҳал қилувчи роль ўйнашини таъкидлаб шаҳар бош архитекторининг орзуси ва жавобгарлигини ошириш зарурлигини кўрсатиб ўтди. У яна айтдики, шаҳар қурилиши фанига бўлган талабни анча ошириш лозим.

Кенгашда СССР Қурилиш ва архитектура академияси экспериментал лойиҳалаш илмий-текшириш институтининг директори **Б. Р. Рубаненко,** қурувчилар бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Н. П. Догаднин** (Сталино области), Литва ССР архитекторлар союзи правлениесининг раиси **А. А. Цибас** ҳам сўзга чиқдилар.

Кенгаш қатнашчилари Германия Демократик Республикаси Қурилиш министрининг ўринбосари **Г. Козельнинг** сўзини самимий қутиб олдилар.

* * *

Шаҳар қурилиши бўйича Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари шаҳар қурилишининг барча ходимларига, барча меҳнаткашларга, якдиллик билан Мурожаат қабул қилдилар.

Совет халқи, дейилади Мурожаатда Коммунистик партия раҳбарлиги остида КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини, мамлакатимизда коммунистик жамият қуришнинг улуғвор программасини сира кўрилмаган баланд руҳ ва ижодий ғайрат билан амалга оширмоқдалар.

Коммунистик жамият қуришнинг тарихий вазифаларини амалга оширишда шаҳар қурувчилари катта роль ўйнайди. Совет ҳокимияти йиллари ичида ишчи посёлкаларидан 900 га яқин шаҳар вужудга келди ва янгидан қурилди. Кейинги 5—7 йил ичида шаҳар қурилишимизда турли ўзгаришлар бўлди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан мамлакатимизда уй-жойга бўлган эҳтиёжни яқин 10—12 йил ичида тугатишдан иборат умумхалқ вазифаси муваффақиятли ҳал этилмоқда. Етти йилликда шаҳар қурувчилари олдида улуғвор вазифалар турибди. 15 миллионтага яқин квартира қурилади, мамлакатнинг шаҳар уй-жой фонди 1,6 марта кўпаяди. Қишлоқларда ғоят катта миқёсда қурилиш ишлари авж олдириб юборилади.

Ана шу вазифаларни ҳал этмоқ учун, деб таъкидланади Мурожаатда, бизда ҳамма имкониятлар мавжуддир. Социалистик системанинг капиталистик системадан тубли устунликлари мамлакатимизда шаҳар қурилишини ҳар томонлама ривожлантириш учун беқиёс перспективалар очиб берди. Совет Иттифоқида кучли қурилиш индустрияси барпо этилди. Лекин мавжуд имкониятлардан ҳали тўла фойдаланилмаётир.

Партия бизга таълим бераётганидек, дейилади яна Мурожаатда, совет шаҳар қурилиши коммунизм қурилишининг буюк мақсадларига, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун энг яхши меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитини яратишга, уларнинг ҳар томонлама ва гармоник тараққий қилишига бўйсундирилмоғи лозим. Ана шу ғоят муҳим вазифаларни амалга оширишда шу куннинг эҳтиёжини ҳисобга олибгина қолмай, балки шаҳарларни янада ривожлантиришнинг йўлларини аниқ тасаввур қилишимиз керак. Янги шаҳарлар, ишчи посёлкалари ва қишлоқлар барпо қилиш ва мавжудларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни яна ҳам активроқ ва ижодий тарзда ҳал этиш-қурувчиларнинг энг биринчи бурчидир.

Совет давлати шаҳарларнинг коммунал хўжалигини ривожлантириш ва санитария ҳолатини яхшилаш тўғрисида катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Кенгаш қатнашчилари шаҳар қурувчиларини, саноат, коммунал хўжалик, шаҳар транспорти ходимларини меҳнаткашларнинг саломатлигини, ҳаво ҳавзаси ва сув ҳавзаларининг тоза бўлиши, шаҳар территориясини кўкаламзорлаш ва ободонлашга, шаҳарларнинг коммунал хўжалигини тубдан яхшилашга эришишга чақирадилар.

Кенгаш қатнашчилари лойиҳа ва илмий-текшириш институтларининг коллективларини, архитекторларни, ер тузувчиларни, инженерларни, қурувчиларни, қишлоқ зиёлиларини, колхоз ва совхозларнинг барча меҳнаткашларини аҳоли яшайдиган қишлоқ жойларини қайта қуришни яхшилашга эътиборни кучайтиришга, қишлоқ қурилишини индустриалаштириш учун шароит яратишга, қишлоқ жойларида қурилиш индустриясининг районлараро ишлаб чиқариш базаларини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга чақирадилар. Барча қурувчилар, қурилиш индустрияси, коммунал хўжалик ходимлари, архитекторлар ва лойиҳаловчилар, деб кўрсатилади Мурожаатда, қурилаётган биноларга ва иншоотлар, шаҳарлар ва қишлоқларнинг сифати учун халқ олдида жавобгар эканликларини англашлари лозим.

Миллионлаб совет кишилари шаҳарларни ривожлантириш ва қуришдан бевосита манфаатдордирлар. Шу сабабли шаҳар қурилиши жамоатчилик кенг доираларининг, бутун аҳолининг кенг иштироки билан олиб борилиши лозим. Шаҳар қурилиши бўйича Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари барча меҳнаткашларга қуйидаги чақириқ билан мурожаат қиладилар, шаҳар ва қишлоқларни қуриш, ободонлаш ва кўкаламзорлаш тўғрисида, бинолар, иншоотлар ва кўкатларнинг яхши ҳолда сақланиши тўғрисида доимий суратда ғамхўрлик қилингиз!

Мурожаатнинг охирида бундай дейилади:

— Бизлар бутун совет халқи сингари СССРнинг ҳаво чегараларини бузган, тўрт буюк давлат бошлиқларининг Париждаги кенгашини барбод қилган америка агрессорларининг ифвосини ғазаб билан қоралаймиз. Бизлар ижодий меҳнатимиз билан шонли социалистик Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлаймиз, бутун дунёда тинчлик бўлиши учун астойдил курашамиз.

Бизлар шаҳар қурувчиларнинг кўп миллионли армияси номидан Коммунистик партия, Совет ҳукумати, бутун халқимизни ишонтириб айтамизки, совет шаҳар қурувчилари шаҳарлар қурилишида ва уларни ободонлашда кескин юксалишга эришдилар, мамлакатимизда «коммунизм қурилишига муносиб ҳисса қўшадилар. (ТАСС).

СОВЕТ КАРЕЛИЯСИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА ТАБРИКЛАР

СССР Олий Совети Президиуми, ССР Иттифоқи Министрлар Совети, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Карелия АССР Олий Советига, республика Министрлар Совети ва КПСС Карелия область комитетига табрикнома юбордилар. Улар бу табрикномада буюк байрам — Карелия Автоном Совет Социалистик Республикаси ташкил этилган куннинг 40 йиллиги муносабати билан Совет Карелиясининг ишчилари, колхозчилари, зиёлиларини, барча меҳнаткашларини қизғин табриклайдилар.

СССР Олий Совети Президиуми, ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети шонли карел халқининг экономика ва маданиятни ривожлантиришда, мамлакатимизда коммунизм қурилиши йўлидаги умумхалқ курашида янгидан-янги муваффақиятларга эришишларини тилайдилар. (ТАСС).

Узбекистон ССР Олий Совети президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ туғилганига 60 йил ва ижодий фаолиятига 35 йил тўлиши муносабати билан рассом Николай Георгиевич **Караханга** «Ўзбекистон ССР халқ рассоми» деган фахрий унвон берилди. Шунингдек Ўзбекистон ССР Ғалла маҳсулотлари министрининг ўринбосари Петр Михайлович **Тимофеев** туғилганига 50 йил тўлиши муносабати билан ва кўп йиллик самарали меҳнатлари учун, Ҳарбий Совет аъзоси, Туркистон Ҳарбий Округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи Евдоким Егорович **Мальцев** туғилганига 50 йил тўлиши ва Қуролли Кучлардаги узоқ йиллик меҳнатлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотландилар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ЎРИНБОСАРИМГА ТОПШИРГАН ЭДИМ...

Бир чети дала шийпонига келиб туташган картага узоқдан назар ташлаган киши дардурустдан бу ерга нима экилган экан, деб ҳайрон қолади. Лекин шудгор оралаб печак, шўра ва бошқа хил ўтлар орасини титкилаб кўрган киши бу ерга чигит экилганига, жонивор ғўзалар ўт орасида кўринмай қолиб кетганига «қаноат» ҳосил қилади.

Пайкалда икки қизча молга печак юлиб юрибди. Кўча ёқасидаги катта картанинг ярмигина тозаланган. Ана шу ўтдан тозаланган ерга уч киши сув қўймоқда. Лекин ғўзага қўйилган сув тахминан 15 метрча ерга етиб кўл ҳосил қилаяпти. Негаки, эгат сувнинг юришига мослаб олинмаган экан.

Шарқираб оқаётган катта ариқ бўйидаги картада одамлар ишламоқда. Лекин уларга яқин жойда автомати бузилиб қолган бир трактор тақа-тақ тўхтаб турибди.

Коммунист Ўртоқ Саид Мустафоев бошлиқ бригадада аҳвол худди мана шундай. Бригаданинг 90 гектар пахта майдони бор. Шундан 50 гектардан кўпроқ ердаги ғўзани ўт босиб кетган. Бригада аъзолари бир кунда уч, тоҳо тўрт гектар ердаги ғўзани ўтдан тозалашаяпти. Демак, шу суръат билан ишланса, ўтни йўқотиш учун камида 15 кун керак.

Қизиқ, Ўртоқ Эргаш Раймқулов бошлиқ қўшни бригадада бир кишига беш гектар, бу бригадада эса икки гектардан ер тўғри келар экан. Лекин ишда катта фарқ бор. Раймқулов бригадасида ўт деярлик қолмаган, ғўза олти-етти қулоқ бўлиб шоналай бошлаган. Чунки, бу ерда прогулчилар, нормани бажармовчилар йўқ. Мустафоев бригадасида эса бундай кишилар топилади. Раймқулов ўзи бошқараётган тракторнинг тўхтовсиз, унумли, сифатли ишлашини таъминламоқда. Мустафоев бошлиқ бригадада эса тракторлар тез-тез бузилиб туради.

Коммунист Вали Тожихонов 10-бригадага бошлиқ, колхознинг Оржоникидзе участкаси партия ташкилотининг секретари. Бироқ, у бошлиқ бўлган бригада ғўзаларини ўт босиб кетган, ривожланишдан орқада қолган. Коммунист Абдураззоқ Умаров бошлиқ 4-бригадада ҳам аҳвол айнан шундай.

Хуллас, Чиноз районидаги Сталин номли колхозда мақташга сазовор бўлган, айниқса коммунистлар бошлиқ бригадани учратиш қийин. Нега шундай, нега коммунистларнинг ишида авангардлик роли сезилмайди?

Яқинда бўлиб ўтган район кенгашида бу колхознинг ғўза парваришидаги қолоқлиги қаттиқ танқид қилинди. 2 июндаги райком бюросида эса колхоз раиси Ўртоқ Ҳамдам Очиловнинг ҳисоби эшитилди. Ҳар сафар раис туриб ҳисоб беради, танқидни ҳам эшитади. Тўғри, раис албатта жавобгар, кўп ишлар унга бевосита боғлиқ, камчилик бўлгандан кейин танқид қилиниши ҳам керак. Лекин колхозда раис билан баббаравар жавобгар, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, уларнинг маънавий дунёси, турмуши, дам олиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши, илғор тажрибаларни оммалаштириши, дангасаларга қарши кескин кураш олиб бориши, коммунистларнинг авангардлигини таъминлаши лозим бўлган партия ташкилоти ва унинг секретари ҳам бор-ку, ахир! Нега уларга нисбатан талабчанлик қилинмайди?

Колхозда 55 коммунист бўлгани учун ҳам партия комитети тузилган. Лекин партия комитети бюроси ва коммунистларнинг умумий йиғилишларида колхоз ишлаб чиқаришига бевосита таллуқли масалалар жуда камдан-кам муҳокама қилинади. Айрим ҳолларда партия йиғилишларининг қарорлари ёзилмайди, белгиланган тадбирнинг бажарилиши контроль қилинмайди.

Колхоз партия комитети чигит экиш даврида амалга оширилиши лозим бўлган баъзи тадбирларни белгилаган. Аммо ғўза парвариши даврида нима ишлар қилиниши кераклиги ҳануз аниқлаб чиқилмаган.

— Ғўза парвариши даврига мўлжалланган чора-тадбирлар белгилашни Ўринбосарим Расул Муродовга топширган эдим. У ёздими, йўқми, хабарим бўлмади, — дейди колхоз партия комитетининг секретари Ўртоқ Турсуной Қудратова, — ўзим бўлсам қурт билан бандман.

Маълум бўлишича партия комитетининг Ўринбосари Ўртоқ Муродов колхоз тегирмончиси бўлиб, у киши ҳам ўз иши билан жуда «банд» экан.

Ҳозир колхозда ғўзанинг учинчи парвариши ҳам бошланган. Бироқ партия комитетининг бу даврга мўлжалланган чора-тадбирлари белгилаб чиқилгунча эҳтимол йигирма-ким ҳам бошланиб кетар, деган хулосага келиш мумкин.

Кейинги бир ой ичида Ўртоқ Қудратова пахтачилик соҳасида нима бўлаётганини билмайди. Ундан «нега бундай» деб сўрасангиз «мен пилла-чилик билан бандман» дейди, нуқул пиллани пеш қилади. Тўғри, ўз навбатида бу ҳам зарур. Наҳотки, колхоз партия ташкилотининг иши фақат пиллачиликдан иборат бўлса?

Юқорида қайд этилган фактлардан кўриниб турибдики, партия ташкилоти колхоз ишлаб чиқаришида коммунистларнинг авангардлик ролини таъминламаган, уларда ўз иш натижалари учун жавобгарлик ҳиссини оширмаган. Бригада дала шийпонлари оммавий-сиёсий ишларнинг чинакам марказига айлантирилмаган. Буларда лекция, суҳбатлар мунтазам равишда ўтказиб турилмайди, агитаторларнинг жанговар чақириқлари эшитилмайди.

— Колхоз кўчма Қизил байроғи қайси бригаданинг қўлида, — сўрадик партком секретаридан.

— Кўчма Қизил байроқни, — деди Ўртоқ Қудратова, — экиш даврида ташкил қилган эдик, ҳозирча идорада турибди.

Райкомда бизга бугун колхозда очиқ партия йиғилиши бўлади, деб айтишди. Кечқурун очиқ партия йиғилиши эмас, правление мажлиси устидан чиқиб қолдик. «Нега бундай бўлди» деб берган саволимизга Ўртоқ Қудратова бамайлихотир «шу мажлисни очиқ партия йиғилиши десак ҳам бўлаверади» деди. Бу жавобни изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлаймиз.

Яқинда район партия комитети колхозга ёрдам бериш мақсадида район ходимларидан 10 кишини юборди. Бу ҳар ҳолда яхши. Лекин район партия комитети шу колхоз партия ташкилотининг иш фаолиятини яхшилаш, яъни оммавий-сиёсий ва партиявий- ташкилий ишларни йўлга қўйишда конкрет ёрдам бериш учун лоақал бир кишини юборганида мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ахир, колхоз партия ташкилотининг ишлаб чиқаришдаги роли, жанговарлик қобилиятини ошириш масаласи билан райком шуғулланмаса, районда бу иш билан ким шуғулланади?

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Дала шийпонида суҳбат

Тушки дам олиш пайти. Дала шийпонининг пештоқида ҳилпираб турган қизил байроқ қуёшнинг заррин нурида товланар, гўё ўзини кўз-кўз қиларди. Камол ака байроқни қўдан кечираркан чеҳраси янада ёришиб кетди. Қайси кунги йиғилишда у колхознинг бригадаларо кўчма Қизил байроғини қўлига олатуриб, ғўза парваришини янада кучайтирамиз, деб тантанали сўз берганини эслади. Камол ака ана шу ҳақда ўйлар экан, суҳбат бошланганлигини ҳам сезмай қолди.

— Ўртоқлар,— бу овоз Камол аканинг фикрини бўлди. У энди байроққа эмас, рўпарасидаги агитаторга қараб турарди, — ажойиб дамларда яшаяпмиз. Кўкда космик кемамиз парвоз қилиб юрибди. У, табиат сирларини билиб олишимизда катта аҳамият касб этаётир. Яқинда ўз ишини тамомлаган СССР Олий Совети V сессияси халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган қонунлар ва қарорлар қабул қилди, ҳукуматимизнинг ички ҳамда ташқи сиёсатчини яқдиллик билан маъқуллади...

Агитатор бу ҳақда конкрет мисоллар келтирди, СССРнинг тинчликсевар ташқи сиёсатини батафсил баён қилиб берди. Сўнгра «Колхозимиз етти йиллиқда» деган темага кўчди.

Етти йиллик мобайнида колхоз хўжалигида қандай ўзгаришлар рўй беради, пахтачиликни ривожлантиришда қандай муваффақиятларга эришилади? У кўпроқ ана шу масалаларга тўхталди.

Агитатор пировардида суҳбатни Камол ака бошчилиқ қилаётган бригада ишига бағишлади:

— Ғўзаларимизнинг ҳозирги ҳолати чакки эмас, бир текис бўй тортган ғўзаларга сифатли ишлов берилаётир. Аммо, буларнинг ҳаммаси фақат ишнинг бошланиши. Ғўза парвариши суръатини янада кучайтириш пайти келди. Акс ҳолда ҳосилдан урдириб қўйишимиз мумкин.

Агитатор бригаданинг ёш механизатори С. Бойназаров, миришкор сувчилардан Х. Рустамов, Б. Пардаева, У. Бойбекова ва бошқалар ғўза парваришида жон куйдириб ишлаётганликларини кўрсатиб ўтди, жон койитгиси келмаган баъзи бир дангасаларни ҳам тилга олди. Шу билан суҳбатга якун ясалди. Бригада аъзолари бугун ҳам ҳар галгидек агитаторнинг мароқли суҳбатидан мамнун бўлишди.

Сирдарё районидаги Карл Маркс номли колхознинг Ўртоқ К. Эшонқулов бошлиқ бригадаси аъзолари агитатор Ўртоқ М. Умаровдан миннатдорлар. Чунки у ўзига топширилган вазифани ситқидил бажараётир. Пахтакорлар учун қизиқарли темаларда мазмунли лекция ва суҳбатлар ўтказмоқда, деворий газета, ва «Жанговар варақа»ларнинг мазмунли, рангба-ранг формадаги хабарлар билан ўз вақтида чиқарилишига ёрдамлашмоқда. Унинг ташаббуси билан бригада дала шийпони фотомонтаж, колхоз ҳаётига оид диаграмма ва меҳнатга чорловчи шиор, плакатлар билан мукаммал безатилди.

О. ЭРГАШЕВ,
О. ЎТАЕВ.

Тошкент электроремонт заводи трансформатор цехининг ишчилари коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашмоқдалар. Коллектив ишлаб чиқариш топшириқларини анча ошириб бажараётир. Суратда: цех илғор ишчиларидан Ўртоқ Ж. Тўхтаназаров иш устида.

М. Комлев фотоси.

ПЛЕНУМНИ ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН КУТИБ ОЛАМИЗ

КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлажак пленумлари шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган, «Ташобласельстрой» трестига қарашли ёғоч ишлаш комбинатининг коллективи дуруст натижаларни қўлга киритмоқда. Ўртоқ Д. Карасов бошлиқ тайёрлов ва йиғув цехининг коллективи бу мусобақада олдинда бормоқда.

Апрель ойи плани 122 процент қилиб бажарилган эди. Беш ойлик план ҳам муддатидан илгари — 24 майда бажарилди ва пландан ташқари 175 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Цехнинг коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган В. Коврижин, Р. Длянчев ўртоқлар бошлиқ бригадалари планни бажаришда катта ҳисса қўшдилар. Цех коллективи ярим йиллик планни 20 июнгача адо этишга аҳд қилди.

— Комбинатнинг бошқа цех ишчилари ҳам орқада қолаётганлари йўқ, — дейди корхона бош инженери Ўртоқ Аҳмедов.— Коллективимиз қишлоқ қурилишлари учун кўпроқ маҳсулот етказиб бериш ва колхоз ҳамда совхоз поселкаларини янада обод, кўркам қилиш ишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Ўзбекистон КП Марказий Комитети пленумида капитал қурилиши масаласи ҳам кўрилади. Биз бу ишга бевосита алоқадормиз. Шу сабабли пленумни ёруғ юз билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилаётирмиз.

И. РУСТАМОВ.

Босилмаган хабарлар изидан

«ЙЎЛЛАРИМИЗ ҚАЧОН ТУЗАЛАДИ»

Янгийўл район «XIX партсъезд» колхози меҳнаткашлари колхознинг Тариқтешар, Эркин участкаларидаги йўллар тузатилмай ўнқир-чўнқир бўлиб кетгани, уни тузатишга колхоз раҳбарлари эътибор бермай келаётгани тўғрисида шикоят қилиб редакцияга хат ёзган эдилар.

Редакциядан текшириш ва чора кўриш учун юборилган бу хатга Янгийўл район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ М. Тожиевнинг жавоб қилишича мазкур йўлларнинг ремонти учун маблағ ажратилган. Ремонт ишлари яқин кунда бошланади.

«КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ ЭЪТИРОЗИ»

Чиноз район Киров номли колхоз аъзолари редакцияга хат ёзиб, анча йилдан бери ёниб турган электр чироқлари 2—3 ойдан буён ёнмаётганлиги тўғрисида шикоят қилган эдилар.

Район ижроия комитети раисининг Ўринбосари Ўртоқ С. Тоировнинг редакцияга хабар қилишича, колхоз правлениеси хатда кўрсатилган камчиликларнинг олдини олиб, электростанция ишини яхшилаш ва колхоз хонадонларини электр қуввати билан мунтазам таъмин қилиб туриш юзасидан зарур чораларни кўрган.

«БЕМАЗА ТАОМЛАР»

Оққўрғон район матлубот жамиятининг умумий овқатланиш бўлимига қарашли ошхоналарнинг ишида юз бериб келаётган жиддий камчиликлар тўғрисидаги танқидий хабар текшириш ва чора кўриш учун район ижроия комитетига юборилган эди.

Район ижрокоми раиси Ўртоқ М. Камоловнинг редакцияга маълум қилишича, хабарда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланган. Умумий овқатланиш бўлимининг директори Ўртоқ Агаронов вазифасидан олиб ташланган. Умумий овқатланиш муассасаларининг ишини яхшилаш юзасидан амалий тадбирлар кўрилган.

СЕССИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ — ОММАГА!

ЯНГИЙЎЛДАГИ ЁҒ ЗАВОДИДА САВОЛ-ЖАВОБ КЕЧАСИ

Шинам безатилган завод клубига ишчилари барвақт тўплана бошладилар. Ишни бир соат олдин тамомлаган бўлсак ҳам, иш нормасини ортиги билан бажардик,— деди смена инженери Ўртоқ Ҳамдиев.

Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари бугун клубга СССР Олий Совети V сессияси материаллари ва сессияда қабул қилинган қонун-қарорларнинг буюк тарихий аҳамиятига бағишланган савол-жавоб кечасига тўпландилар. Бу буюк тарихий ҳужжатларга бағишланган савол-жавоб кечасини Янгийўл район партия комитети, завод партия ва маҳаллий комитети, илмий ва сиёсий билимларни тарқатувчи область жамияти биргаликда ташкил этдилар.

СССР Олий Советининг тарихий сессияси қонун-қарорларидан бениҳоя мамнун бўлган завод ишчилари ва хизматчиларининг жуда кўп ва хилма-хил саволларига Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Хўжаев, область омонат кассалар бошқармасининг раиси Қ. Расулев, илмий ва сиёсий билимлар тарқатувчи жамият область бўлимининг референти Р. Тоҳиров ўртоқлар батафсил жавоб бердилар. Биз қуйида тингловчиларни қизиқтирган асосий саволларга берилган жавобларни қисқартириб босмоқдамиз.

КОММУНИСТИК ПАРТИЯ — ХАЛҚ ҒАМХЎРИ

Халқимизнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини янада ошириш соҳасида партия ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган улуғвор тадбирлар социалистик тузумимизнинг табиатини, тузумимизнинг ҳақиқий халқчиллигини ва экономика ҳамда маданиятни ривожлантиришда ғоят катта устунликларга эга эканлигини кўрсатади.

Коммунистик партия партия XX ва XXI съездлари ҳамда пленумлари қарорлари асосида совет халқининг турмуш даражасини ва маданиятини янада юксалтиришнинг улуғвор программасини амалга ошириб бормоқда. Мамлакатимизда миллий даромаднинг кўпайиб бораётганлиги бунинг учун реал имкониятларни таъминлаб бермоқда. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда миллий даромад 1959 йилда 1953 йилга нисбатан 1,6 баравар ва 1913 йилга нисбатан эса 16 баравар кўпайди.

Меҳнатсевар ва ижодкор халқимиз ишчи ва хизматчиларидан олинадиган солиқларни бекор қилиш ҳамда меҳнаткашларни қисқартирилган иш кунига кўчириш тўғрисидаги қонунни қабул қилганликлари учун коммунистик партияга, Совет ҳукуматига бундай буюк олижаноб ҳимматлари учун чин қалбларидан ташаккур изҳор қилмоқдалар.

СОЛИҚЛАРДАН ҚУТИЛИШ — МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ АЗАЛИЙ ОРЗУСИ

Ишчи ва хизматчилардан олинадиган солиқларнинг бекор қилиниши тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши социалистик жамиятимизнинг буюк афзалликларини бутун дунё олдида яна бир марта намойиш қилди ва фақат социалистик жамиятдагина инсониятнинг ҳақиқий орзу-умидлари амалга ошиши мумкин эканлигини кўрсатди. Халққа қилинаётган бундай ғамхўрликни кўҳна тарих ҳали билмайди.

Хўш, қайси бир капиталистик давлат аҳолидан олинадиган солиқлардан воз кечаяпти? Қайси капиталист мамлакатнинг парламенти халқ фаровонлиги тўғрисида қонун чиқаряпти? Ўртоқ Н. С. Хрушчев айтганидек, биронта капиталистик давлат халқ фаровонлигига қаратилган тадбирларни амалга ошираётгани йўқ ва капитализм шароитида халқ оммасининг орзу-умидлари рўёбга чиқиши ҳам мумкин эмас. Чунки, солиқлар у ёки бу капиталистик давлатнинг иқтисодий асосидир ва молиявий негизидир. Масалан: сўнгги 20 йил ичида АҚШ давлат бюджетида солиқлардан тўпланадиган жамғарма 8 баравар, Англияда 5,5 баравар кўпайди. Бу солиқлар асосан меҳнаткашларнинг елкасига оғир юк бўлиб тушмоқда, албатта. 1954 йилда Нью-Йорк аҳолисидан олинадиган маҳаллий солиқлар жон бошига 138 доллар 44 центни ташкил этган бўлса, 1958 йилда 190 доллар 60 центни ташкил этди. Зўр бериб қуролланиш ва давлат аппаратининг кенгайиб бориши солиқларнинг тобора кўпайишига олиб келмоқда.

СССР Олий Советининг қонунига мувофиқ шу йил октябрь ойидан бошлаб 1965 йилгача ишчи ва хизматчилардан олинадиган даромад солиғи бекор қилинади. Натижада 59,4 миллион киши иш ҳақини солиқларсиз яхлит олади. Шунингдек, даромад солиғи бекор қилиниши билан бирга, бўйдоқ ва кам болали гражданлардан олинадиган солиқ ҳам бекор қилинади. Бундан аҳоли 1965 йилга келганда 6,4 миллиард сўм-қўшимча даромад қилади.

Солиқларнинг бутунлай бекор қилиниши натижасида ишчи ва хизматчиларнинг даромади 1965 йилга бориб йилига тахминан 74 миллиард сўм кўпаяди. Республикамиз корхона, муассаса ва ташкилотларида ишлаётган ишчи ва хизматчиларнинг даромади 1966 йилга бориб йилига тахминан бир миллиард сўмдан ошиб кетади.

ЖАҲОНДА ЭНГ ҚИСҚА ИШ КУНИ

Коммунистик партия ва совет давлатининг асосчиси, ташкилотчиси В. И. Ленин иш кунини қисқартириш масаласига жуда катта эътибор берар эди. У ҳар доим совет кишиларини қисқартирилган иш кунига кўчириш партиямизнинг асосий программ вазифаларидан биридир, деб таъкидлар эди. Улуғ доҳининг буюк кўрсатмасига содиқ бўлган Коммунистик партия ва совет давлати иш кунини қисқартириш соҳасида бирмунча ишлар қилди. КПСС XX ва XXI съезди қарорларида иш кунини 7—6 соатга келтириш масаласи амалий вазифалардан бири қилиб қўйилди.

КПСС XXI съезди қарорларига асосан 1962 йилга келиб, ишчи ва хизматчиларни ҳафтада 40 соатлик иш кунига, 1964 йилдан бошлаб эса 6 — 5 соатлик иш кунига кўчириш кўзда тутилган. Кейинги икки йил ичида кўмир саноати, қора ва рангли металлургия, кимё саноати ва бошқа бир қанча саноат тармоқларида ишчи ва хизматчилар қисқартирилган иш кунига кўчирилди. 1960 йил 1 апрелгача 16 миллионга яқин киши қисқартирилган 7 ва 6 соатлик иш кунида ишламоқда.

Бизда иш кунини қисқартириш-нинг энг асосий хусусиятларидан бири шуки, бу тадбир иш ҳақини камайтирмасдан амалга оширилмоқда. Шунинг билан бирга, меҳнат шароитини тобора кўпроқ енгиллаштириш ва меҳнат муҳофазасини янада яхшилай бериш кўзда тутилмоқда.

Қисқартирилган иш кунига ўтилгандан сўнг Олтинтопган қўрғошин- рух комбинатида маҳсулот ишлаб чиқариш 51 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 35 процент ошди, ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи эса 19 процент кўпайди. Иш кунининг қисқартирилиши натижасида Ленин номидаги металлургия заводида олий ва ўрта ўқув юртларида ўқиётганларнинг сони уч баравардан зиёд кўпайди. Республикамизда ҳозир 150 минг ишчи ва хизматчи 7 ва 6 соатлик иш кунига ўтган.

Бизда иш кунини қисқартириш ва иш ҳақини ошириш соҳасида мана шундай олижаноб тадбирлар амалга оширилаётган бир вақтда, капиталист мамлакатларида иш куни тобора ортиб бормоқда ва натижада ишсизлар армияси кўпаймоқда. Капитализмнинг юғурдаклари зўр бериб мақтаётган АҚШ да эса ҳозир 4,2 миллион ишсиз ва ярим ишсиз бор. Агар АҚШ да 7,1 миллион ишчи ва хизматчи ҳафтада 30 соатдан кам ишлаётган бўлса, 14,8 миллион ишчи ва хизматчи ҳафтада 50 соатдан ва ундан ҳам ортиқ ишламоқдалар. Меҳнат шароити эса «адолатли» деб мақтанилаётган АҚШ да аҳвол ана шундайдир. Уруш вақасаси гирдобига учраган давлатда аҳвол бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

СОВЕТ СЎМИ

СССР Олий Совети қарор қилганидек, 1961 йилнинг январь ойидан бошлаб мамлакатимиздаги нархлар миқёси ўзгартирилади ва муомиладаги пулларимиз янги пуллар билан алмаштирилади. Бу тадбир совет сўмининг қадри-қийматини янада оширишга қаратилгандир.

Совет сўмининг олтин қийматини ошириш мақсадида келгуси йилдан пул бирлигининг миқёси 10 баравар ошади, муомилага янги пуллар чиқади. Натижада совет сўми янада бақувват бўлади, унинг халқаро обрўси ва қиймати ошади. Демак, эски пулнинг 10 сўми янги пулнинг бир сўмига қабул қилинади. Аҳолининг омонат кассадаги ҳамма пуллари ҳам шунга нисбатан қайта ҳисобланади. Аҳоли эски пулнинг 10 сўмига қанча мол сотиб олган бўлса, янги пулнинг бир сўмига ҳам шунча мол сотиб олиши мумкин.

Нархлар миқёсининг ўзгартирилиши ва пул бирлигининг йириклаштирилиши халқимизнинг фаровонлигининг янада ошишига олиб келади.

Жуда қизиқарли ўтган бу савол-жавоб кечасида СССРнинг тинчликсевар ташқи сиёсати, Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Парижда берган баёнотига бағишланган саволлар ҳам берилди. Завод ишчи ва хизматчилари Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг баёноти совет давлатимизнинг ленинча ташқи сиёсатининг яна бир ғалабаси эканлигини айтдилар. Савол-жавоб кечаси охирида завод партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Крупский завод ишчилари ва хизматчиларининг берган саволларига тўла ва қониқарли жавоб берганликлари учун завод коллективи номидан лекторларни самимий табриклади.

Р. НОРЖИГИТОВ.

Суратда: область омонат кассалари бошқармасининг раиси Ўртоқ Қ. Расулов (ўртада) кеча қатнашчилари билан ўзаро суҳбатлашмоқда.

В. Салов фотоси.

Алоқа ходимлари сизга қандай хизмат қилмоқда

ТЎҒРИ ТАНҚИДДАН ТЕГИШЛИ ХУЛОСА ЧИҚАРИЛМАДИ

Паркентда обуначиларга маданий хизмат кўрсатиш ёмон йўлга қўйилган. Айрим газеталар ўз вақтида эгаларига берилса, айрим сонлари эса берилмай қоляпти. Қишлоқда почтальонлар йўқ. Умуман олганда бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шу туфайли ҳам обуначилар кундалик газеталарни бир неча кун кечикиб ўқимоқдалар. Н. Тўлаев, Х. Адашев, С. Алматова, С. Маҳкамов каби обуначиларнинг ҳам газеталари ўз вақтида келмайди. Уларга «Тошкент ҳақиқати» ва бошқа газеталарнинг 4-5 сони бир марта берилянти.

Бундай камчиликлар Намланак, Бошқизилсой, Усмонак қишлоқларида ҳам мавжуддир. Нураки ота тоғ бағирларидаги, Сўқоқ қирларидаги обуначиларга ҳам маданий хизмат кўрсатиш ачинарли аҳволда.

Газета тарқатувчиларнинг қониқарсиз ишлаётгани ҳақида район партия активи йиғилишларида, район Советининг сессияларида кўп гапирилди. Лекин район алоқа бўлимининг бошлиғи Ўртоқ Асом Ходоров ҳаққоний танқидлардан ҳалигача тегишли хулоса чиқаргани йўқ.

Ю. БАХОДИРОВ,
Юқори Чирчиқ райони.

ҲАР КУНИ «ЯНГЛИШИШАР» ЭКАН

Мен Товоқсой поселкасидаги алоқа бўлимига тез-тез кириб тураман. Ҳар сафар кирганимда ҳам бошлиқ Ўртоқ Воробьевнинг нимадандир ҳафа бўлиб турганини кўраман. Кунлардан бир кун унга «дўстим ҳа деб тажанг бўлаверманг!» деб насиҳат қилмоқчи бўлдим. Шунда у гапира кетди:

— Мен республика газета ва журналлар экспедициясининг ишидан қойил эмасман. Қачон қараманг бизга белгиланган миқдордаги газетани юборишмайди. «Правда Востока», «Тошкент ҳақиқати» газеталаридан доимо 15—20 тадан кам келади. «Пионер Востока», «Ленин учқуни» газеталаридан эса 70—80 тадан етмайди.

Ўртоқ Воробьев экспедицияга юборилган актларнинг копиясини кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам республика газета ва журналлар экспедициясидаги Ўртоқлар актларда кўрсатилган фактларни эътироф этишар экан, лекин «янглишиб» олиб қолинган газеталарни юборишмас экан. Бу эса обуначиларнинг ҳақли равишда норози бўлишига сабаб бўлмоқда.

Э. ТУРКМЕНОВ,
Ўқитувчи, Бўстонлиқ райони.

ПОЧТАЛЬОННИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН

Киров номли колхозда обуначилар жуда кўп. Деярлик ҳар бир хонадон 2—3 тадан газетага ва бир неча журналга ёзилган. Агитаторларнинг олаётган газета ва журналлари бундан ҳам кўп.

Почтальон Маҳан ота Жумабеков ҳар куни обуначиларни хурсанд қилади. Уларнинг газеталарини уйларига, айримларининкини эса иш жойига элтиб беради. Шу билан бирга у, газета ва журналларнинг материалларини кенг пропаганда қилиб, обуначилар сонини кўпайтирмоқда. Маҳан отанинг ташаббуси билан сўнгги 2 ой ичида колхозда республика ва область газеталари ўқувчилари сони 120 кишига кўпайди.

И. ЎРИНБОЕВ,
Чиноз районидаги Эски Тошкент қишлоқ совети.

ЯХШИ ИШЛАГАНИ УЧУН

«Ленин йўли» колхозининг почтальони Ўртоқ Р. Шаффазов ўз вазифасини сидқидиллик билан бажармоқда. У кундалик газета ва журналларни ўз вақтида эгаларига элтиб беради. Бошқа жойларга юборилдиган хатларни тез жўнатиш чораларини кўради. Унинг 10 йиллик иш даврида бирон хат ҳам ўз эгасига кечикиб теккани йўқ.

Меҳнаткашлар ҳурматига сазовор бўлган бу почтальон район алоқа бўлими ва колхоз правлениеси томонидан кўп марта қимматли буюмлар билан мукофотланган.

Г. КАНСАИТОВА,
Ўрта Чирчиқ райони.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
2-БЕТ 12 ИЮНЬ, 1960 ИИЛ.

Бегона ўт ва ғўза зараркунандаларига қарши кескин курашайлик!

Маслаҳатга амал қилиб

Ноқулай об-ҳаво, устма-уст ёққан ёмғир ғўзанинг тез ривожланишига халақит берди. Натижада ғўза оқ томир ололмади. Бундай аҳвол бизнинг бўлимда ҳам содир бўлди. Айниқса қатқалоқ кўпайиб, ишда жиддий қийинчилик туғдирди. Қатқалоқни ер етилиши билан тугатиб, ғўза тагини юмшатиш зарур эди.

Биз қишлоқ хўжалик мутахассисларининг маслаҳатига амал қилиб иш кўрдик. Қатқалоқ босган ерлар юмшатилди. Ғўзанинг ривожланишини тезлатиш учун одатдагидан кўпроқ озиқлантириш талаб қилинади. Биз бу тадбирларни амалга оширишда агротехника қоидаларига тўла риоя қилдик.

Бўлимимизда 685 гектар ердаги ғўза 60х60 схемасида квадрат-уялаб парвариш қилинмоқда. Ҳосил тупидан олинади. Шунинг учун ҳам биз ғўзани вақтида ягана қилиб, ҳар бир гектар ерда белгиланган миқдорда кўчат бўлишини таъминладик.

Биз ҳар гектар ердан давлатга 35 центнердан ҳосил топшириш юзасидан юксак мажбурият олганмиз. Ғўза парвариши ана шу мажбуриятни бажаришга мослаб олиб борилмоқда. Бўлимнинг ўртоқ Самандаров бошлиқ бригадаси мўл ҳосил етиштириш билан пахтанинг таннархини камайтириш учун ҳаракат қилаяпти. Бригада ишчилари ғўза парваришини сифатли ўтказиб, кўп меҳнат тежашга муваффақ бўлдилар. Шу сабабли ҳозирнинг ўзидаёқ 47 минг сўмлик маблағ тежалди.

Совхозда тузилган ҳосилот кенгаши амалий ёрдам бермоқда. Ҳозир биз барча майдондаги ғўзани комплекс парвариш қилаётирмиз. Дала ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда. Ҳар гектар ердаги ғўзага 100 килограммдан азот, 500 килограммдан маҳаллий ўғит аралашмаси солдик. Бу ғўзанинг ўсишидаги қолоқликни тугатишга таъсир кўрсатди.

600 гектар ердаги ғўзанинг ҳосили машина билан теришга пландаштирилди. Бўлим шунинг ҳисобига 300 минг сўм маблағ тежамоқчи. Биз машина геримига ажратилган участкалардаги ғўзаларни алоҳида, машинага мослаштириб парвариш қилмоқдамиз. Учинчи парвариш ҳам бошланди. С. Ҳайитқўзиев, С. Самандаров ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригада ишчилари ғўза парваришини намунали уюштириб яхши натижаларга эришмоқдалар. А. Абдурафиев, Р. Ягафаров, С. Абдукаримов ўртоқлар сингари универсалчиларнинг ғўзани культивация қилишда жонбозлик кўрсатиб ишлаётганларини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Уларнинг ёрдами туфайли ғўза комплекс парвариш қилинаётир.

Биз Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Ғўзанинг ривожланишини тезлатиш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорида белгиланган тадбирларни тўла амалга ошириб, барча майдондаги ғўзаларни шоналатишга эришамиз.

А. МАМАРИЗАЕВ,
Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг 7-бўлим агрономи.

Далада тўқсон трактор ишламоқда

Ҳозирги кунларда 3-«Боёвут» совхозининг далаларида мўл ҳосил учун астойдил кураш кетаяпти. Ҳар куни далада тўқсон трактор билан культивация қилинмоқда. Механизаторлар ўз агрегатларидан унумли фойдаланиб, кунига 550—600 гектар ерни икки томонлама ишловдан чиқармоқдалар.

Совхознинг коммунист Отамурод Тўраев, Худойқул Шоёқубов бошлиқ бригадаларида ғўза парвариши, айниқса, намунали бораяпти. Пахта майдонлари 115—120 гектардан иборат бўлган бу бригадалардаги яшил квадратлар мўл ҳосилдан нишонадир. Ҳозиргача бу бригадаларнинг ғўзаси иккинчи парваришдан чиқарилди. Яганалаш, озиқлантириш айниқса сифатли ўтказилди. Гектарларда кўчатнинг тўла бўлиши таъминланган. Тракторчилардан А. Асонов ва И. Абляминов ўртоқлар кунига 1,5—2 норма культивация қилмоқдалар.

Л. КОТЛЯР.

РИЗҚУЛОВ:— Баҳорда ёққан ёмғирда ивиган камзулим ҳали қуригани йўқ-ку, яна ғўзага сув бермаяпсан, деб мени қойишади-я.

А. Четкаускас чизган расм.

Областимизнинг илғор пахтакорлари

Қуйи Чирчиқ районидаги «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг ўртоқ Анифа Алчикова бошлиқ бригада ишчилари 150 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Ўрта Чирчиқ районидаги Куй бишев номли колхознинг универсалчиси ўртоқ Турсунбой Рисқулов кунига 8—10 гектар ердаги ғўзани сифатли культивация қилмоқда.

МАДАДКОРЛАР

Мўл ҳосил учун курашнинг ҳал қилувчи ҳозирги кунларида танижони соғ, юрагида ўти бор ҳар бир киши пахтакорларнинг ишига кўмаклашгиси келади. Сирдарё районидаги Тарас Шевченко номли колхозда бухгалтерия, ясли, боқча ва бошқа муассасаларда ишловчи ходимлардан иборат мададкорлар бригадаси ташкил этилди. Бу бригада 58 кишидан иборат.

Колхоз правлениеси уларга 60 гектар ернинг ғўзасини ажратиб берди. Мададкорлар тажрибали пахтакорларнинг раҳбарлигида бу ерда ғўза парваришини сифатли ўтказилишига ёрдам қилмоқдалар. Трактор кира олмайдиган айрим ерларни чопиқ қилмоқдалар, ўтдан тозаламоқдалар. Кассир ўртоқ Файзулла Қаюмов бригада ишига бошчилик қилаётир.

Ҳозиргача буларнинг ёрдамида 40 гектар ернинг ғўзаси чопиқдан чиқарилди. Бу ишда О. Суннатов, Э. Ёмонов, Р. Вайдиев каби ўртоқлар ҳаммага намуна бўлмоқдалар.

Р. ОЧИЛОВ.

Бу бригаданинг ҳолидан хабар олиш керак

Бизнинг бригадада ғўза парвариши жуда суст. Талай ғўзани ўт босиб кетган. Ҳалигача 20 гектарча ердаги экин ҳатто ягана қилинмаган. Бригадада ҳашаротга қарши кураш бошланмаган. Карта четларидаги уватларга ДТ—24 трактори билан ҳашаротга қариш дори сепилиши керак эди. Бироқ бу трактор бошқа ишлар билан банд.

Бригада ишчиларига қулай машиний шароит ҳам яратиб берилмаган. Бригаданинг дала ошпони ҳам йўқ. 1957 йилда қурила бошлаган ошпон пойдевори ҳанузгача кўтарилгани йўқ.

Совхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Шахматов ишчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга, уларга қулай машиний шароит яратиб беришга жиддий эътибор бермаётир. Шунинг учун бу ерда иссиқ овқат у ёқда турсин, лоақал чой ҳам қайнатилмайди. Бўлим бошлиқлари ва совхоз раҳбарлари бу бригаданинг ҳолидан хабар олишлари керак.

Х. АДАМҚУЛОВ,
«Социализм» совхози 2-бўлимидаги 6-бригада аъзоси.

Биродарлар, отни қамчиланг!

Мўл ҳосилнинг тақдири айни шу кунларда ҳал қилинади. Ҳозир, тер тўкиб, жон койитган деҳқон кузда жўжани бутун санайди. Янгиер шаҳрининг илғор пахтакорлари бунга тўла амал қилмоқдалар. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Ғўзанинг ривожланишини тезлатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини якдиллик билан бажармоқдалар.

«Коммунизм» колхозининг Фармонқул Суяров, Қўшоқ Маҳкамов, Абдуманнон Зияев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ғўза парвариши яхши бормоқда. Пахтакорлар ҳамма имкониятлардан тўла фойдаланиб, ғўзага иккинчи марта комплекс ишлов бермоқдалар. Ҳар қайси иш ғўзанинг талабига, ер шароитига қараб амалга оширилмоқда.

Ўртоқ Фармонқул Суяров бошлиқ бригада аъзолари 177 гектар ердан 55 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғлаганлар. Шу кунларда бригадада ғўза қатор ораларига ишлов бериш жадал бормоқда. Тўрт механизаторнинг ҳаммаси унумли меҳнат қилаётир. Айниқса комсомол аъзоси ўртоқ Турдимурод Тошбоев жонбозлик кўрсатиб ишламоқда. Бригада бўйича кунига 30—35 гектар ер культивация қилинаяпти.

— Ҳозирги кунда суғоришга катта эътибор берямиз,— дейди ўртоқ Ф. Суяров,— бунинг сабаби бор. Карталарда 14—15 сантиметр қалинликда қатқалоқ пайдо бўлди. Бунга қарши культивация билан чопиқни кучайтирдик. Лекин бу тадбирларнинг ўзи кифоя қилмайди. Культивация ишлари, кетмон етиб келмаган жойлар қатқалоқлигича қолиб, ғўзани ўстирмайди. Унинг томири ердан нам ва озиқ ололмаяпти. Бундай шароитда сувнинг ҳосияти катта. Карталарга сув тараб, қатқалоқни юмшатиб оляпмиз, ер етилиши билан культивация қилмоқдамиз. Шундан кейин ғўза ўзини ўнглаб олмоқда.

174 гектар пахта майдонига эга бўлган ўртоқ Қ. Маҳкамов бошлиқ бригада аъзолари ҳам фидокорона меҳнат қилишмоқда. Июнь ойида ғўзага икки марта комплекс ишлов бериш, унинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш учун курашмоқдалар. Иккинчи культивация ва иккинчи озиқлантириш тугалланай деб қолди. Бир кунда 45—50 гектаргача ернинг ғўзаси культивация қилинмоқда. Суғоришга тажрибали деҳқонлар тайинланган. Бригада аъзолари ҳар гектар ердан 55 центнердан «оқ олтин» кўтариш мақсадида гектарларнинг тўла бўлишини таъминлаш учун курашмоқдалар. Ғўза кўчатлари текис, бегона ўт йўқ. Зараркунандаларга қарши актив курашилаётир.

Бироқ, айрим бригадаларда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Ғўзани бегона ўт ўраб олган, ривожи суст.

Ўртоқ Хасанбой Абдурасулев бошлиқ 12-бригадада ҳарбир трактор билан ўрта ҳисобда 9—10 гектар ер культивация қилинмоқда. Ўртоқ Ғаниқул Ғозиев бошлиқ 7-бригадада эса тракторларнинг иш унуми жуда паст. 12-бригадада бир кунда 5 трактор ишлаб, 45 гектар ердаги ғўза культивация қилинган. 7-бригадада эса фақат битта трактор ишлаб, 4 гектар ердаги ғўзага ишлов берилган. Ўз-ўзидан маълумки, бундай сўрғат билан бригада ғўза парваришидаги қолоқликни тугатолмайди. Агар иш шундай давом этаберса, ғўзанинг ўсиши янада сустлашади, бегона ўт кўпаяди. Оқибатда ҳосилга путур етказилади.

Хўш, нега бундай? Нима сабабдан у бригада аъзолари яхши ишладилар-у, бу бригада аъзолари унумсиз ишлайдилар? Ахир ҳар иккала бригаданинг шароити бир хил-ку.

Ҳа, шароит бирхил. Фақат раҳбарлик қилишда фарқ бор. Хасанбой Абдурасулев иши пухта деҳқон. У бригада ишига жон куйдиради. Бир иш кўнгилдагидек бўлмай қолса, уни тузатмагунча тинчимайди. Одамларни сафарбар қилади, тўғри маслаҳатлар беради. Афтидан ўртоқ Ғаниқул Ғозиев бошлиқ бригадада бундай эмас. Бригадир ишни яхши йўлга қўйиш учун жон куйдирмайди.

Колхознинг 5-участкаси ғўза парваришида орқада қолиб бормоқда. Буни фақат бир мисолдан тушуниб олса бўлади. Ўртоқ Уммат Эшбеков бошлиқ бригадада ғўза чопигида 11—12 киши қатнашмоқда. Айрим кунларда уларнинг ҳарбири 0,08—0,09 гектар ерда чопиқ ўтказмоқдалар. Агар бригада бўйича кунига 1—1 ярим гектар чопиқ қилинадиган бўлса, ҳамма карталарни бир марта оралаб чиқиш учун камида икки, икки ярим ой керак бўлади-ку. Бу аҳволда қандай қилиб пахтадан мўл ҳосил етиштириш мумкин. Ғўза парваришида судралиб бораётган бригадаларнинг аъзолари кетмондан кўра механизацияга, от культиваторларига зўр бериш керак! Сизлар шу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўринглар!

Бир хўжаликда, бир хил шароитда ишлаб туриб, сизлар Ф. Суяров, Қ. Маҳкамов, Х. Абдурасулов, А. Зияев ўртоқлар бошлиқ илғор бригадаларнинг аъзоларидан орқада қолаяпсизлар. Улар социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, ғўза парваришини кун сайин кучайтирмоқдалар. Фурсат ғанимат. Сизлар ҳам ғайрат қилинг энди биродарлар, отни қамчиланг, ҳозир имиллайдиган вақт эмас!

С. СУЛТОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Б. УМАРОВ, «Ленин йўлидан» газетасининг редактори.

Қадамлари яна ёқмади-ку

Ўртоқ Розиқ Ризқуловнинг исми-шарифлари Оққўрғон районидаги кўпчиликка маълум. У кишини ташкилотчи раҳбар, ишнинг кўзини биладиган деҳқон сифатида эмас, қаерга қадамлари етса ўша ерда хўжаликни издан чиқарадиган киши сифатида таниганликлари кўнгилни ранжитади, ҳолос.

Илгари ўртоқ Ризқулов Калинин номли колхознинг правлениесига ҳам бошчилик қилганлар. Минг афсуски, у киши раҳбарлик лавозимига ўтирганларидан кейин хўжаликнинг иши олдинга эмас, орқага қараб кетди. Ахир, қопқоп гап билгани билан иш билмаганидан кейин, қийин бўлар эканда! Шу жиҳатдан ўртоқ Ризқуловни коймаса ҳам бўлар эди-ку, аммо лекин тоза сув ҳадеб лойқайвергандан кейин, чидаб тура олмас экансан киши!

Мана, ўртоқ Ризқулов ўтган йилдан бошлаб райондаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида ҳам правление раиси лавозимида ўз иш фаолиятларини бошладилар. Афсуски кўпчиликнинг ишончи пуч ёнғоққа айланди. Ўртоқ Ризқуловнинг ваъдабозликдан нарига ўтмаганлиги натижасида бу колхоз ҳам ўтган йили пахта тайёрлаш давлат планини бажара олмади. Бу йил эса: «қойил қилиб юборамиз» деб кўкрагига урган Ризқулов ишни яхшилик томонига эмас, ёмонлик томонига қойил қилиб юборди. 1200 гектар пахта майдонининг ҳали бирон гектари ҳам сув ичкани йўқ. 450 гектар ердаги ғўзани бегона ўт қуршаб олиб, ўсишдан қолдирмоқда. «Сув қўйсак ўт кўпайиб кетади» деб янги кашф топиб олибди у киши. Ахир сувдан қолиб қовжираган ғўзаларнинг додига ким етади бўлмаса!

Йўқ-йўқ, бунга чидаб бўлмайди. Ўртоқ Ризқуловнинг кўзини очиш учун унинг юзига озгина сув пуркаб қўйиш керак!

У. ЖОНГИТОВ.



Колхозда маданият университети

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси коллективи ва Калинин район партия комитетининг ташаббуси билан райондаги Сталин номли колхозда маданият университети ташкил этилди. Ҳозир бу университет ўзининг 300 га яқин тингловчисига эга.

Университетда машғулотлар ҳар ойда икки мартадан ўтказиб турилади. Машғулотларнинг мазмунли ва қизиқарли бўлишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимлари ва илмий ходимларидан иборат лекторлар группаси ташкил этилди. Университет машғулотлари планига кўра академик шоир Ғафур Ғулом, тарих фанлари доктори Х. Иноятов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Ҳ. Абдусаматов, олима М. Алавия ва бошқа ўртоқлар тингловчиларга адабиёт ва санъат, эстетика ва маданий мерос масалалари бўйича машғулотлар ўтказадилар.

Яқинда университетнинг биринчи машғулоти бўлиб ўтди. Лектор Б. Маннонов халқаро аҳвол тўғрисида гапириб берди. Олима М. Алавия томонидан ўқилган «Халқ оғзаки ижодида тўй-тамошаларда айтиладиган қўшиқлар» деган темадаги суҳбат ҳам тингловчиларда катта қизиқиш уйготди. Машғулот охирида тингловчиларга кинофильм кўрсатилди.

Бундай маданий муассасалар кейинчалик Калинин районининг бошқа колхоз ва совхозларида ҳам ташкил этилади.

Х. АСҚАРОВ.

Темирйўлчилар хизматида

Тошкентдаги Темирйўлчилар маданият саройи Кауфман, Сирдарё ва Мирзачўл станцияларидаги темирйўлчиларга хор, музика, кино, тасвирий санъат, театр ва бошқа тўгаракларни ташкил қилишга кўмаклашди.

Маданият саройи хор коллективининг раҳбари С. Валенков, ўзбек ва рус музика тўгаракларининг раҳбари М. Олимов, ҳаваскорлик тўгаракларининг актив аъзоларидан Тошкент вагон депосининг слесари П. Станиславов, Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводининг ишчиси Ю. Маликов ўртоқлар жойлардаги бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишини жонлантиришга катта ёрдам бермоқдалар.

Маданият саройининг ходимлари бошлаган бу ажойиб ташаббусдан темирйўлчилар ниҳоятда мамнун бўлмоқдалар.

Бу ёрдам натижасида мазкур станцияларда темирйўлчиларга маданий хизмат янада яхшиланди.

У. ҲОШИМОВ.

Суратда: маданият саройининг ҳаваскорлари: 1. Киномеханик Х. Ризаев меҳнаткашларга кинофильм кўрсатмоқда. 2. Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонт заводининг слесари Холбой Омонов цейлонча рақс ижро этмоқда.

А. Котулев фотоси.

Жонкуярлар ҳақида

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Ҳалол меҳнати туфайли эл ҳурматини қозониб келаётган, бир касбда кўп йиллардан буён узлуксиз ишлаб, бошқаларга ўрнак бўлаётган кишиларимиз жуда кўп. Редакциямизга халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган ана шундай ишчан, садоқатли кишилар тўғрисида кўплаб хат-хабарлар келиб туради.

Мана, ёш мухбир **Т. Мирходиев**нинг хати.

— Маҳмуда Азизова, — деб ёзади у, — чорак асрдан бери халқ маорифини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. У бутун куч-ғайратини ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларга билим ўргатишдек олижаноб ишга бағишламоқда. Маҳмуда опа директорлик қилаётган Оржоникидзе районидаги М. Горький номли 2-ўрта мактабда 1200 ўқувчи таълим олади. Бу мактабнинг ўқитувчилар коллективи ўқувчиларнинг пухта билим олиши, ўқитишни ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб бориш учун барча чораларни амалга оширмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз М. Азизованинг кўп йиллик самарали меҳнатларини тақдирлаб, уни икки марта Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи ва «Халқ маорифи аълочиси» значоги билан мукофотлади. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи деган юксак унвон берилди.

Чиноз районидаги Пушкин номли 1-ўрта мактабнинг практикум ўқитувчиси Уммат Сафаров қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўйича 21 йиллик бой тажрибага эгадир. У ёшларга техника билимини ўргатишда катта ҳисса қўшмоқда. Сафаровдан таълим олаётган ўқувчилар ўрта маълумот олиш билан бирга қишлоқ хўжалик машиналарини бошқариш, уни ремонт қилиш сингари ишларни бемалол бажараоладиган бўлиб етишадилар.

Уммат ака етиштирган ёш мутахассислар колхоз, совхоз пахта далаларида мустақил меҳнат қилаётирлар. Ёшларнинг ана шу меҳрибон устози ҳақида қишлоқ мухбири **А. Абдурахмонов** ёзиб юборибди.

— Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Ортиқов, — деб ёзади газетхон **Э. Маликов**, — колхоз қишлоғини обод қилиш, колхозчиларнинг моддий-маданий турмушини яхшилаш, ёш болали аёлларга қулай шароитлар яратиб бериш учун доимо ғамхўрлик қилади. Колхоз аъзоларининг меҳнатини муносиб қадрлаётган жонсарак, раҳбарнинг ўзи ҳам кўпчилик ҳурматига сазовор бўлаётир.

Шунингдек, ана шу райондаги Калинин қишлоқ совети территориясида жойлашган касалхонанинг бош врачи Ориповнинг жонкуярлиги, беморлар унинг хизматидан чексиз миннатдорлигини тасвирлаб **А. Рустамов** ҳамда Свердлов номли колхознинг радио техниги Н. Усмоновнинг намунали хизматлари ҳақида **А. Иноғомов** ўртоқлар ёзиб юборишган.

Тошкентлик мухбиримиз **А. Ким** ўз хатида бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун ўз қонини бепул бераётган ватанпарвар донорлар тўғрисида тўлқинланиб ёзса, чинозлик мухбир **К. Довурбоев** ҳамда сирдарёлик **Т. Солиев**, оққўрғонлик **И. Ҳошимов** ўртоқлар ана шу районлардаги Сталин номли, «Қизил октябрь» ва «Октябрь 40 йиллиги» колхозларининг М. Холмирзаев ва Ш. Муродов, Ж. Мамиров каби ишчан почтальонларнинг ҳалол хизматларидан аҳоли миннатдор бўлаётганини билдиришади.

Ана шу мазмундаги бошқа кўпгина хатларда ҳам турли касбдаги меҳнат аҳилларининг номлари ҳурмат билан тилга олинади, уларнинг ибратли ишлари ҳақида қувонч билан ҳикоя қилинади.

Чет элларда

ЯПОНИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ БАЁНОТИ

ТОКИО, 10 июнь. (ТАСС). Биз Киси ҳукуматининг дарҳол истеъфо беришини, умумий сайловлар ўтказилишини ва парламентнинг тарқатиб юборилишини талаб қиламиз, — дейилади Япония Компартияси Марказий Комитети президиумининг баёнотида. Бу баёнот Япония — Америка ҳарбий шартномасини парламентнинг юқори палатасида либерал-демократик партиянинг бир ўзи муҳокама қила бошлаганлиги муносабати билан бугун «Акахата» газетасида эълон қилинган.

Компартия баёнотида айтиладики, либерал-демократик партия бу шартномани парламент орқали бир ўзи ўтказишга ҳаракат қилиб, халқ олдида ўзининг миллий манфаатлар хоини эканлигини тўла фош этиб қўйди. Япония Компартияси Марказий Комитетининг президиуми Япониядаги ҳамма демократик кучларни ўз сафларини янада жипслаштиришга ва Киси ҳукумати ҳамда ҳукмрон партия реакцион планларини барбод қилишга чақиради.

ФРАНЦИЯДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЗАБАСТОВКАСИ

ПАРИЖ, 10 июнь. (ТАСС). Бугун Франция давлат хизматчиларининг йигирма тўрт соатлик умумий забастовкаси бошланди. Улар иш ҳақини дарҳол уч процент ошириш ва иш ҳақи минимал ставкасини кўпайтиришни талаб қилмоқдалар. Дастлабки маълумотларга қараганда, забастовкада 1 миллион 300 мингдан кўпроқ давлат хизматчиси иштирок этмоқда.

„Х—15“ портлади...

НЬЮ-ЙОРК, 10 июнь. (ТАСС). Аэронавтика ва космик фазони текшириш бўйича Америка миллий бошқармаси ҳозир «ўта баландликда» учадиган янги «Х — 15» ракета самолетини зўр бериб синовдан ўтказмоқда. Бу бошқармадан ҳаводан қилинадиган жосусликни пардалаш учун фойдаланилмоқда. Информация агентликларининг хабарига қараганда, ҳозирча «эксперименталь» деб ҳисобланган ана шундай самолетлардан бирини яқинда синаш вақтида (бу самолетлар, афтидан, «Х — 2»нинг ўрнига фойдаланиш учун мўлжалланаётганга ўхшайди) авария рўй берган. Двигатель ерда синалаётган вақтида портлаш рўй берган. Кабина учувчи билан бирга ликда етти метр четга улоқтириб ташланган.

«Махсус вазифалар учун» мўлжалланган «Х—15» самолётини синаш вақтида бундай авария биринчи марта юз берган эмас.

Фидель Кастро баёноти

НЬЮ-ЙОРК, 10 июнь (ТАСС). Юнайтед Пресс интернейшнл агентлиги мухбирининг Гаванадан хабар беришича, Куба бош министри Фидель Кастро кеча Чилидаги ер қимирлашдан зарар кўрганларга ёрдам кўрсатиш учун материаллар ортилган кемани жўнатиш муносабати билан нутқ сўзлаб, Кўшма Штатлар Кубага «жиноятқорона агрессия» қилиш билан таҳдид қилаётганликларини айтди. Бизга, — деди у, — «табиатнинг кўр кучлари Чилига келтирган вайроналиклардан каттароқ вайроналик ва кўпроқ қурбон келтириш билан» таҳдид қилмоқдалар.

АМЕРИКА ПЛАНЕРИ ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИГА ҚУНИШГА МАЖБУР БЎЛДИ

БЕРЛИН, 9 июнь. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси ички ишлар министрлигининг матбуот бошқармаси хабар беради: 8 июнда Америка планери Гревесмюлен шаҳри районига келиб қўнди. Планернинг учувчиси, Америка граждани Шредер Келндан Фемарн оролига учиб бораётганлигини, об-ҳаво шароити ноқулай бўлиб қолганлиги натижасида Германия Демократик Республикаси территориясига қўнишга мажбур бўлганлигини айтди.

Бу маълумотлар текшириб кўрилганидан кейин, планер ва учувчи бугун Германия Демократик Республикасининг давлат чегарасида Ғарбий Германиянинг тегишли маъмурларига топширилди.

ЖЕНЕВАДА ЎНЛАР КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

ЖЕНЕВА, 10 июнь. (ТАСС). Бугун қуролсизланиш бўйича ўн давлат комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Италия делегациясининг бошлиғи Мартино раислик қилди.

Дўстлик ҳафталиги

Ёшлик—дўстлик, биродарлик демакдир. Кўп миллатли совет ёшларидек ҳам фикр, қон қардош йигит-қизлар жаҳонда йўқ. Мамлакатимиздаги турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстона алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Шу йилнинг 20—26 июнь кунлари республикамизда ўтказиладиган СССР халқлари дўстлиги ҳафталиги бу алоқаларни янада кенгайтириш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Ҳафталик Совет ёшлари кунига бағишлаб Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ташаббуси билан ўтказилади.

Ҳафталикда барча иттифоқчи республикалардан, Москва ва Ленинграддан ёшлар делегациялари келади. Улар Ўзбекистоннинг ҳамма область ва шаҳарларида бўладилар, ўзбек йигит ва қизлари билан дўстлашадилар. Саноат корхоналарида, колхоз ва совхоз далаларида меҳнат қилаётган етти йиллик илғорларининг иш тажрибалари билан танишадилар.

Ҳафталикнинг сўнгги кунлари (25—26 июнь)да қардошларимиз Тошкентдаги олий ўқув юртлари, парклар, маданият саройларида бўлиб, пойтахт ёшлари билан бирнеча учрашувлар, кечалар ўтказадилар.

400 оила янги уйда

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг капитал қурилиш бошқармаси партия ва ҳукуматимизнинг яқин ўн-ўн икки йил ичида мамлакатимизда уй-жой танқислигини тугатиш тўғрисидаги кўрсатмасига амал қилиб, қурилиш ишларини жадаллаштирмоқда. 1960 йилда Чиланзор, Оқтепа массивлари ва шаҳарнинг бошқа кўчаларида 103494 квадрат метр кўп қаватли уй-жой биноларини фойдаланишга топшириш планлаштирилган.

Шу йилнинг биринчи кварталида шаҳарда 10659 квадратметр уй-жой бинои фойдаланишга топширилди. Чиланзор массивининг ўзида 4 та тўрт қаватли бинога ишчи ва хизматчиларнинг оилалари кўчиб кирдилар. Киров районидаги Қорамурт кўчасида 10 оилага мўлжалланган икки қаватли бино, Шимолий Олмазор кўчасида 48 оилага мўлжалланган 4 қаватли бино, Оқтепа массивида эса ҳар бири 18 квартирали тўртта икки қаватли бино яқиндагина ўз эгаларини қабул қилиб олди. Янги биноларга кўчиб кирган 400 дан ортиқ оила кенг ва ёруғ хоналарда роҳат қилиб, маданий ҳаёт кечирмоқда.

Шу йилнинг иккинчи кварталида охирида Шимолий Олмазор, Кабель кўчалари ва Чиланзор, Оқтепа массивларида яна бир нечта янги уй-жой биноларини битказилиб, фойдаланишга топширилади. Яна 220 га яқин оила янги уйларга кўчиб киради. Архитектура жиҳатидан чиройли қилиб қурилган бу кўп қаватли биноларда қурилиш ишлари тез суръатлар билан давом этаётир.

80 минг ўқувчи бир сменага кўчирилади

Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими пойтахтимиздаги мактабларда машғулотларнинг бир сменага кўчириш юзасидан муҳим тадбирларни кўрмоқда. Ҳозир шаҳарда 20 га яқин мактаб бир сменага кўчирилган. 1960—1961 ўқув йилидан бошлаб шаҳарда бир сменалик мактаблар сонини 70 тадан ошириш кўзда тутилмоқда.

Бунинг учун шаҳар халқ маорифи бўлими, саноат корхоналарининг маъмуриятлари ва кенг жамоатчилик ҳозиргидек жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар. Машғулотлар бир сменага кўчирилганда синф хоналари кўпроқ талаб этилишини ҳисобга олиб, шаҳарда янги мактаб бинолари қуриш ва мавжудларини кенгайтириш тадбирлари кўрилмоқда. Жумладан Пушкин кўчасида 900 ўқувчига мўлжалланган тўрт қаватли янги мактаб бинои, Жарариқ ва Оқтепа массивида, Болгарские огороди ва Отчопарда ҳар бири 520 ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари битказилиб, янги ўқув йилида ишга туширилади. Бу мактабларда машғулотлар бир сменада ўтказиладиган бўлади. Чимбой ва Қозиробод кўчаларида 500 ўқувчига мўлжалланган иккита мактаб — интернатни ҳам 1960—1961 ўқув йилида фойдаланишга топшириш кўзда тутилади. Фрунзе районидаги 26-мактаб ва бошқа бир қанча мактаблар машғулотларни бир сменага кўчиришга мўлжалланиб, қайта қурилади.

Ана шу юқорида саналган тадбирлар тўла амалга оширилгач, янги ўқув йилидан бошлаб 80 мингга яқин бола бир сменада ўқийдиган бўлади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Ёқимли қўшиқ ва шўх рақслар

Иттифоқимиз қардош халқларининг санъат ва адабиёт соҳасидаги ижодий ҳамкорлиги кун сайин мустаҳкамланмоқда. Бу ҳамкорлик халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон бўйлаб санъат сафарига чиққан Тожикистоннинг атоқли артистлари Бухорода, Самарқандда, Фарғона водисида ва Тошкент областининг Янгийўл районида концертлар кўрсатдилар. Ёқимли қўшиқ ва шўх рақслар устаси бўлган санъаткорларни республикамиз пойтахти тамошабинлари ҳам қизғин қарши олишди. Илгарилари ҳам ўз санъатларини намойиш қилиб тошкентлик тамошабинлар ҳурматини қозонган тожикистонлик санъаткорлар бу гал Тошкент меҳнаткашларини мафтун қилмоқдалар. Концертда СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Лутфи Зоҳидова, Тожикистон ССР халқ артистлари Ханифа Мавлонова, Ренз Галибова, Тожикистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар Рафаэль Толмасов, Ҳалима Тоҳирова Ҳожи Аҳмедовлар ўз санъатларини намойиш қилиб катта муваффақият қозонмоқдалар. Санъаткорларнинг ҳар бир чиқиши тамошабинларнинг қизғин олқишларига сазовор бўлди. Қардошларимизнинг гастроль концертлари давом этмоқда. **Суратда:** С. Айний номли Ленин орденли Тожикистон давлат опера ва балет театри артистларининг бир группаси.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Далада бепул овқатланиш

Юқори Чирчиқ районидаги энг йирик «Политотдел» колхозининг барча дала ишпонларида бепул овқатланиш йўлга қўйилди. Колхоз ошхоналари янгича ишлаган биринчи куни гўза ва луб экинларини парвариш қилишда, пичан тайёрлашда ишлаётган 800 дан ортиқ аъзо пулсиз овқатланди. Уч хил овқат жойларга бригада ошхоналаридан махсус термосларда олиб борилади.

Колхозчилар правлениенинг қарорига мувофиқ бутун дала ишлари давомида — ноябрь ойига қадар пулсиз овқатланадилар. Бу мақсад учун бўлинмас фонддан ярим миллион сўм маблағ ажратилди. Овқат тайёрлаш учун колхозда етиштирилган гўшт, сут, тухум, ёғ, дон, сабзавот ва мевалар ишлатилади. Колхоз нонвойхонасида нон ёпилмоқда. Овқат тайёрлашни тажрибали ошпазлардан 12 кишига топширилган.

Эндиликда тушки овқатланиш пайтида биронта ҳам колхозчи даладан кетмайди. Бу билан ҳамма колхозчиларнинг дам олиши учун кўпроқ вақт қолади. Қишлоқ меҳнаткашлари кун исиб кетган вақтда бериладиган икки соатлик танаффус вақтларини соя-салқин дала шийпонларида ўтказадилар. Болали оналар ҳам даладан кетмайдилар. Уларнинг болалари олтита боқча ва яслиларда тарбияланади. Колхозчи оналар болалар муассасаларидан ҳам текин фойдаланмоқдалар. (ЎзТАГ).

Колхоз дам олиш уйлари

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг дам олиш уйида қишлоқ меҳнаткашларидан 25 киши дам ола бошлади. Улар бригада кенгашларининг тавсияси билан бепул путевка олдилар. Дам олаётганлар орасида оддий колхозчи Комил Гулмирзаев, Кенжа Турсунов, Қобил Тўқсонов, звено бошлиғи Абдилла Исломов ва бошқалар бор. Бу ерда мавсум охиригача 250 киши дам олади.

Дам олиш уйининг икки қаватли биноси катта мева боғида, ҳовуз яқинида жойлашган. Дам олувчилар сайр қиладиган йўллар ишкомлардан иборатдир. Бино жуда чиройли бўлиб, унинг ички томони ҳам яхши безатилган. Дам олиш уйининг ҳамма хоналарига гиламлар тўшалган, ҳар бир хонада радиоприёмник бор. Дам олувчилар учун телевизор ҳам ўрнатилган. Махсус залда биллиард бор. Дам олувчилар врачларнинг доимий назорати остида бўлиб, ҳар куни тўрт марта овқат билан таъминланадилар.

Бу йил Ўзбекистон пойтахти областидаги 12 та колхоз дам олиш уйларида 3 мингга яқин киши дам олади. Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Сирдарё, Янгийўл, Гулистон ва Оққўрғон районларининг колхозларида яна олтита дам олиш уйи қурилмоқда. (ЎзТАГ).

12 ТА ЯНГИ АПТЕКА ОЧИЛАДИ

Область аптекалар бошқармаси ўсиб бораётган талабни ҳисобга олиб, Тошкентда 1960 йилда 12 та аптека биноси қуриб, фойдаланишга топширишни планлаштирди. Чилонзор массивининг марказий кўчасида тез кунларда очиладиган янги типдаги катта аптека шуларнинг биридир. Бу аптекани зарур ускуналар билан жиҳозлаш учун юз минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Уч бўлимдан иборат бу аптекада 40 киши меҳнаткашларга хизмат қилади. Аптека учун ҳозирги замон энг янги медицина техникаси асбоблари келтирилди.

Ўзбекистон композиторларининг учинчи съезди

Республика пойтахтининг концерт залларида Ўзбекистон композиторлари учинчи съезднинг делегатлари ва меҳмонлари муҳокамасига тақдим этилган республика композиторларининг янги музика асарлари тўрт кундан буён жаранглямоқда. Турли жанрдаги саксондан ортиқ пъесалар тингланди.

11 июнда съезд қатнашчилари «Узбекфильм» студиясига бордилар. Бу ерда улар учун Мирзачўлдаги қўриқ ерларни забт қилувчи ёшли кишиларга бағишланган «Иккинчи баҳор» деган кенг экранли биринчи ўзбек рангли бадиий фильми кўрсатилди. Фильм музикасини композитор Икром Акбаров ёзган.

Кечқурун Свердлов номли залда Ўзбекистон композиторлари асарларидан навбатдаги концерт бўлди.

Концертда Ўзбекистон давлат филармониясининг хор капелласи, халқ чолғу асбоблари оркестри ва якка хонлар иштирок қилдилар.

Ўзбекистон композиторларининг учинчи съезди ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

Телевизор экранида

12 ИЮНДА

12.00. «Физкультура билан шуғулланинг».

12.20. Болалар бадиий ҳаваскорларининг концерти.

12.50. «Маданият университети». «Совет адабиётининг кўпмиллатли характери» (ўзбек тилида).

18.00. «Бадиий фильм — «Очилган қўриқ» (2-серияси). Бу фильмни 16 ёшга тўлмаган болаларнинг кўриши мумкин эмас.

19.45. «Ўзбекистонда газ саноатининг ривожланиши» деган темада академик Н. В. Лавровнинг суҳбати.

19.55. Ўзбекистон композиторлари съездига бағишланган эшиттириш. С. Юдаковнинг «Майсаранинг иши» комик операси Алишер Навоий номли академик опера ва балет театридан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтларида сўнгги ахборот.

13 ИЮНДА

19.30. Ўқувчилар учун ўзбек тилида «Етти йиллик йўлдошлари» деган эшиттириш.

19.50. Сўнгги ахборот.

20.05. Спорт эшиттириши.

20.45. Совет Армияси жангчилари учун эшиттириш.

21.00. Ҳужжатли фильм — «Яшна, Молдавия».

21.50. А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» асари асосида ўзбек тилида телевизион инсценировка.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкентнинг таниш заллари

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА —12/VI да кундуз **Масхарабозлар** ва **концерт бўлими**, кечқурун **Майсаранинг иши**, 14/VI да **Флория Тоска.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА —12/VI да **Равшан ва Зулхумор**, 13/VI да **Хоразм эртаси.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРНИНГ ЁЗГИ БИНОСИДА —12/VI кеч соат 9 да **Тожикистон санъат усталарининг хайрлашув концерти.** Сотиб олинган билетлар ярайди.

Қизлар баҳори — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 9 ва 11 да), «МИР» (кеч 8 да).

Эгалланган тепалик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10 да), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 10-40 минутда).

Ева ҳақида — НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), КАФАНОВ номли (кеч 9 да), НАВОИЙ номли (ёзги, кеч 11 да), ТЕЛЬМАН номли (кеч 9 ва 10-50 минутда).

Мичман Панин — «ЎЗБЕКИСТОН», «МИР» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» 1 ва 2-залда кеч соат 9 гача), «СПУТНИК» (1-залда эрталаб 11 ва кеч 9 да), НАВОИЙ номли (қишки, кеч 9 да), ПУШКИН номли (кеч 9 ва 10-50 минутда), КАФАНОВ номли (кеч 11 да), «ВАТАН» (ёзги, кеч 9-10 минут ва 10-45 минутда).

Кабирия тунлари — «СПУТНИК» (2-залда кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (3-залда кеч соат 8-20 минутгача ва кеч 9 дан ҳамма залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз 4 ва кеч 6 да).

Кўчалардан келган фарёд — «СПУТНИК» (1-залда кундуз 1, 3, 5 ва кеч 7 да).

Тиссада — «ВАТАН» (эрталаб соат 10-20 минутда).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

12 июнда

С. Юлаков музикаси

Майсаранинг иши

СССР халқ артистлари Ҳалима Носирова, Саодат Қобилова, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Карим Зокиров, Саттор Ярашевлар қатнашадилар.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА

14 ва 15 июнда қишки бинода

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

И. Султонов асари

ИМОН

2 пардали драма.

Режиссёрлар — А. З. Қобилов ва Ўзбекистон ССР халқ артисти К. У. Ҳўжаев, рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми Х. Икромов.

ТЕЛЬМАН НОМЛИ ПАРКДА

12 июнда

Шаҳар музика байрами

Кеч соат 8 да бошланади.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

12 ва 13 июнда

«А» класси бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун:

«Даугава» (Рига) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Кеч соат 7 да бошланади.

12/VI да дублёр составлар, 13/VI да асосий составлар ўйнайди.

Тошкент совнархози Машинасозлик саноати бошқармасининг

ТОШКЕНТ РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ

«Д-54» ва «КДМ-46» маркали

трактор двигателларини

гарантия билан

КАПИТАЛ РЕМОНТГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Қўйлиқ қишлоғи (7, 7-а ва 17-автобус, 6-трамвайнинг «Почта» остановкаси). Телефон — 26-405.

«ТАШГОРОЧИСТКА» ТРЕСТИГА

Тошкент шаҳар ижроия комитети Ободончилик бошқармасининг

„Саночистка" трести

ДЕГАН НОМ БЕРИЛДИ

Трестнинг адреси: Болгарские огороди: 151-уй. Телефон — 30-508, 35-668.

Госбанк шаҳар бошқармасидаги расчёт счёти № 50801.

Корасарой кўчаси, Рибний проезд, 38-уйда турувчи Қўшжон Қўшойберганованинг шу уйда турувчи Хатира Худойберганованинг ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3-участка халқ судида кўрилади.

Сагбон кўчаси, 36-уйда турувчи Абрам Давидхаевич Беньяминовнинг шу уйда турувчи Тамара Катаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3-участка халқ судида кўрилади.

105 ёшга кирган она

Бизда узоқ умр кўриб, фароғатда, лаззатли ҳаёт кечираётган ота-оналар жуда кўплаб топилади. Оққўрғон районидаги Ленин номли колхозининг Жданов участкасида яшовчи Норгул она Айматова шулар жумласидандир.

Бу аёл яқинда 105 ёшга тўлди. Унинг 6 фарзанди, 15 невараси, 18 чевараси бор. Норгул она ҳали жуда тетик, уй-рўзғор ишларини бемалол бажаради. У бахтли замонда яшаётганидан бениҳоя хурсанд.

К. САРИМСОҚОВ,
У. УМАРОВ,
С. МУСТАФОЕВ.

Шаҳримиз тоза ва озода бўлсин

Гоҳо шаҳримиздан ташқари бирор жойда бирор киши билан учраштиб қолсак биз чирчиқликлар ҳамомизнинг софлиги билан мақтаниб кўямиз. Ростдан ҳам куннинг энг иссиқ кунларида тоғ томондан жонга ором бағишловчи муздек шаббода эсиб туради, айниқса эрталаб ва кун ботиш олдидан дарё томондан эсган эпкинни айтмайсизми! Аслида шундай-куя, лекин... ана шу кичик «лекин» ҳамма ишнинг белига тепиб турибди. Яқинда қизиқ бир воқеа бўлди...

Украиналик дўстим Михаилдан телеграмма олиб унга пешвоз чиқиш учун «Экспресс»га ўтирдим-да, Тошкентга йўл олдим. Уни шод-хуррам кутиб олиб, Чирчиқ томон йўл олдик. Иккимиз ҳам хурсандмиз, кайфиятимиз соз — ахир бир неча йиллардан буён биринчи бор кўришишимиз эди-да!

— Мана, шаҳримиз ҳам бошланди,— дея мақтана бошладим Троицкий кўпригига яқинлашгач.

— Йўқ, тўхта, бу нима ўзи?!— тўсатдан сўраб қолди Михаил бурнини жийириб.

— Орқа қаторда биров айниган тамаки чекаётганга ўхшайди... — дея гапни чалғитдим, «аммиакнинг» «хушбўй» ҳидига кўникиб кетар деб ўйлаган эдим.

— Негадир кўнглим айниянти— деди Михаил устма-уст ўқчиб.

— Зарари йўқ — кўнглини кўтардим мен.

Автостанцияга тушдик. Шаббода Тошкент томондан эсаётгани учун химкомбинатнинг «мушк анбари» бу ерда унчалик сезилмаси. Лекин бир нафасдан сўнг мен эдўстим олдида яна огир аҳволга тушиб қолдим. «Чирчикторг» яқинидан Советская кўчасига чиқишимиз билан Михаил чўнтагидан рўмолча чиқариб, навбат билан кўзларини арта бошлади.

Қарши томондан эсаётган шаббода юз-кўзимизга қурум ва қум учиринди-ларини келтириб урарди. Нон заводига яқинлашганимизда эса ҳалиги қум ва қурум устига кўмирнинг майда учириндилари ҳам келиб қўшилди.

— Чиндан ҳам ҳаволарнинг соф ва мусаффо экан!— пичинг қилди Михаил.

— Бугун шамол эсаяпти, ҳамма айб ўшанда,— деб қўйдим мен.

Аммо газетхон Михаилга ёлғон сўзлаганимни сезиб тургандир. Чунки «Чирчиксельмаш»нинг темирчилик ва қуюв цехларидан осмонга чиқариб ташланаётган қурум ва бошқа чиқиндиларнинг кўк юзида катта оқимдек сузиб юриши ҳеч кимга сир эмас-ку. Бунинг устига химкомбинатдан чиқаётган ёмон ҳидни ҳам кўпсак, чиндан ҳам нафас олиш, кўз очиш огир-ку! Бунинг устига нон заводи атрофига «Узтоп» базасининг қурилиши дард устига чипқон бўлиб тушган. Ҳатто база бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Малов ҳам базани бу ердан Аранчага, пахта тайёрлаш пунктининг аввалги ўрнига кўчириш ҳақида неча бор ҳаракат қилиб кўрган эди.

«Чирчиксельмаш» раҳбарлари қум пуфлагични яхшилаш масаласини ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо деб қарайдилар. Ваҳоланки бу ердаги рационализаторлар ва ташкилотнинг бош врачи ўртоқ Морозова ҳам жуда яхши таклифлар киритган эдилар.

Ахир мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида тоза ҳаво масаласи аллақачон ҳал бўлган-ку. Шаҳримиздан жуда кўп ўртоқлар ўша томонларга бир неча бор командировкага борадилар. Лекин химкомбинат тепасида ҳосил бўлаётган «тулки думи» ва «Чирчиксельмаш» чиқариб ташлаётган ҳисобсиз қурум ва қум учириндиларини ҳал қилиш йўлини ўрганиб келмаётирлар.

Токайгача соф ҳавомиз бузилар экан!

В. ПРИШЧЕПА.

СУВ

Тошкентнинг Ҳамза кўчасида (Ғайрат маҳалласи) яшовчи хонадонлардан «Водоканал» трестининг бошқарувчиси ўртоқ М. Ҳўжаевга хат.

Кранлар ҳам сиз билан
сирдошдек —
Маҳрур турар юрак-бағри
тошдек —
Сув бермайди бепарво,
бебошдек,
Бир томчиси бўлди нону- ошдек.
Биз томонда билмам қачон
бўлар сув,
Кўзага қиш чилладами тўлар
сув.
Кран турар оч қориндек
қулдираб,
Жўмракчаси соқов қўшдек
чулдираб,
Хонадонлар челак қўйиб, жим
қараб
Ўлтиради келарми деб
жилдираб.
Кундуз эмас ярим тунда келар
сув,
Ёз ойлари шундай жумбоқ
бўлар сув.

Ёзиб олувчи Зиёд КОМИЛОВ.

Анор ва Қовоқ

Боғда пишар эди қип-қизил Анор,
Ўзи кичик, лекин ширин, донадор.
Кимки уни кўрса куярди кўзи,
Мевалар ичида ягона ўзи.
Ёнида полизда ўсарди шу чоқ,
Каттакон, пишмаган, кўм-кўк Ошқовоқ.
Бир куни Ошқовоқ Анорни кўриб,
Унинг йўлин тўсиб деди керилиб;
— Анор деганлари сенмисан ҳали,
Сен муштдай бўлсангда дерлар мазали.
Билиб кўй, мен сендан қолишмайман ҳеч.
Анор деди: Қўшни, бу даъвонгдан кеч.
Бизнинг маззамизни хоҳ яхши, ёмон,
Ажратар дастурхон устида меҳмон.

* * *

Шу меҳмон ўзингсан ўртоқ китобхон,
Асарга баҳо бер: яхшими, ёмон?

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

ПАЗАНДА МАСЛАҲАТИ

Гулкарам енг!

Карам жуда қадим замонлардан бери дори сифатида ишлатиб келинади. Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» иккинчи китобида карамнинг озуқалик ва дорилик хосиятлари тўғрисида ажойиб фикрларни баён қилган. Замонавий фан карамнинг фойдали хусусиятларини яхшилаб ўрганиб чиқди.

Карам ўсимлигининг бир неча хили бор, шулар орасида гулкарам ўзининг озуқалик сифати ва лаззатлилиги билан алоҳида ўрин тутади. Гулкарам таркибида бошқа навлардагидек оқсил, қанд, азотли моддалар, клетчатка, ҳар хил кислоталар бор. Витаминдорликка келганда гулкарам жуда устун туради. У А, B^2, PP, айниқса B^1, С ва К витаминларига жуда бой.

Гулбошоғи оппоқ, ниқбош гулкарам энг яхши ҳисобланади. Кўкимтир ёки малла тусдагиси ҳамда чачалабошқлиси сифатсиздир.

Гулбошоқнинг ораларида майда қурт ва ҳашаротларнинг кўзга кўринмайдиган тухумлари бўлиш эҳтимоли ҳам бор. Шунинг учун гулкарамдан таом тайёрлаш олдидан уни бир неча минут номакопга ёки сирка араластирилган сувга ботириб қўйилади. Ундан хилма-хил лаззатли таомлар пиширши мумкин, шулардан икки хилини сиз ҳам тайёрлаб баҳраманд бўлинг:

ГУЛКАРАМ ҚОВУРМА

Гулшохчаларни ўзагидан ажратиб номакоп ёки сиркали сувга солиб қўйганингиздан кейин олиб кастрюлкага соласиз ва бир қайнатиб оласиз. Думба ёғини бодомдай-бодомдай қилиб тўғраб эритасиз ва жиззасини олмасдан устидан ҳалиги карамни қўшиб юборасиз. Бунга майда тўғралган пиёз аралаштириб қовурасиз. Масаллиғ қизаргач, тухум чақиб юборасиз. Тайёр таомни ликобларга солиб, бетига майда туз ва мурч сепиб дастурхонга тортасиз.

Гулкарам қовурмага бир килограмм карам, 300 грамм думба ёғи, икки бош пиёз, икки дона тухум, талабга кўра мурч ва туз кетади (масаллуг тўрт кишига мўлжалланган).

ГУЛКАРАМ ШЎРВА

Ёғлиқ қўй гўштини майда қилиб тўғраб совуқ сувга солиб қайнатасиз. Шўрвага ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғралган пиёз ва бутун сабзи ҳам солиб пиширасиз. Бунга лавр япроғи, ошлик кўклар ҳам қўшасиз. Сўнгра картошкани паррак-паррак тўғрэб соласиз ва у ярим пишганда гулкарамни номакопдан олиб шўрвага қўшасиз. Устидан туз, қалампир сепиб пиширишни охирига етказасиз. Шу билан таом тайёр. Бундай шўрвага 500 грамм гўшт, икки бош пиёз, 4—5 дона сабзи, 500 грамм картошка, 500 грамм гулкарам, ошлик кўклар, лавр япроғи, туз ва қалампир (таъбга кўра) солинади. Бу масаллуг олти кишига мўлжалланган.

Карим МАҲМУДОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИ НИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими—29040, 50. Секретариат—34808, 115. Эълонлар бўлими—28142.

Р. 01886. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. 1615.